

Mustahkam oila – yurt tayanchi

QILA

DAVTRASIDA



№ 11-13
(461-463)
2021-yil
18-mart
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqqan boshlagan.



Наврўзи олам муборак!

Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги

«ОИЛА»ДА НОЁБ ХАВОТИР

ёхуд Одам атодан келаётган буюк мерос

« Оила, турмуш тарзи, деҳқончилик, касб-хунар, аждодлар макони, ота йўли, ота насиҳати, она ризолиги, маиший турмуш ташвишлари, туғилиш, ўлим, егулик, ичимлик, «оила дастурхони» тарзидаги миллий фалсафанинг лирик талқини XX аср ўзбек шеърлятида идиллик дея айтилади. Айниқса, халқимиз севган шоир Абдулла Ориповнинг шеърлари халқона фалсафа, оддий одамларнинг содда турмуш тарзини лирик акс эттириши жиҳатидан ўзига хосдир.

Абдулла Ориф шеърлятида идиллий рухтаги шеърлар кам эмас. Бу ўринда шоирнинг битта шеъри таҳлили билан чекланамиз. Зотан, нур риштаси қуёшдан, томчи уммондан, товуш жаранги бадииятдан дарак берганидек, бир шеър мисолида ҳам шоирга хос идиллик лирика таъми ва фалсафасини туйиш имкони йўқ эмас.

Ушбу шеър хажман кичик, мазмунига кўра кундалик турмушимизга доир жўнгина воқеани баён этганига қарамасдан, мазмуни ва фалсафаси билан умуммиллий, умуминсоний моҳият касб этади. Халқоналик, миллийлик эса идиллий лириканинг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Ушбу шеър «Оила» деб номланган:

Каттаси кетганди балиқ овига,
Чўмилиб-нетмасин ишқилиб.
Турли тасаввурлар олар довига,
Кампирнинг нафаси

– Ҳой, сиз ҳам болани
ўйлангда бундоқ...
Кампир эрк берганча пуч хаёлига,
Кампирни қайгадир илиб ўша чоқ
Танбех бера бошлар чолига.
Чолчи, кўзойнагин

артганча бот-бот
Китоб варақлайди:
Бедилми, Маишаб...
Мошинда кетувди
кенжаси шаддод,
Юрсинда, ишқилиб, кўзига қараб...
Кун ҳам эрта ботди,
билмадим, кузми,
Биттаси кечкида ўқийди.

– Сен ҳам ўйлагинда анави қизни!
Чол ҳам кампирини нуқийди.
Ҳеч қайда ҳеч гап йўқ
шундоқ икковлон

Бир-бирин бесабаб койир,
турткилар.

Лекин иккиси ҳам биледи пинҳон:
Болаларни ўйлайди улар.
Сўнгра бир маҳалда

узун-қисқа бўлиб
Болалар ҳам келар галма-гал.
Дастурхон атрофи боради тўлиб,
Хайрият, ҳаммаси жам, тугал.
Кампир: Шукур, – дейди
қимтиниб лаби,

Чол ҳам жилмаяди: Тушунар...
Дунёда ҳеч бир гап бўлмаган каби.
Болалар овқатни туширар.

(Давоми 3-бетда)



UZBEKISTON
POCHTASI

«Ўзбекистон Почтаси»

акциядорлик жамияти жамоаси

*Барча юрtdошларимизни Наврўз
байрами билан чин дилдан муборакбод этади!*

*Янгилашни ва яшарни
айёми ҳисобланмиш Наврўз барча
оилага, ҳар бир хонадонга хайр-саховат,
эзгуликлар олиб кирсин!*

*Янгиланаётган юртимизнинг
ҳар куни Наврўз бўлсин.*

*Дилларда баҳор нафаси уфуриб турган аини
лаҳзаларда барчангизга кўтаринки кайфият, тани
сиҳатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз, азиз
юрtdошлар!*

*Наврўз, олов кўклам сенингдур,
Неки азал кўркам сенингдур,
Ўзбекистон ўлкам сенингдур,
Гул яшнади дил, яйради кўз,
Алёр энди, аллаёр Наврўз!..*

Наврўзингиз муборак бўлсин, азизлар!

НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУЖУЖИ

« Яшариш ва янгиланиш байрами бўлмиш Наврўзнинг маънавий асослари жуда қадим тарихга эга эканини билсак-да, уни кенг жамоатчиликка етказиш ҳам Наврўз туҳфаси деб ҳисобладик. Токи ўсиб-униб келаётган янги ёш авлодимиз гурур ва ифтихорида бағрикенглик, меҳмондўстлик, тинчлик ва хотиржамлик, меҳнатсеварлик ва инсонпарварликни ўзида мужассам этган юрт фарзанди эканини тараннум этсин.

Наврўз – янгиланиш ва янги умидларнинг туғилиши билан улуғланган байрам. Бу айём замирида эзгулик ётади. Яъни, шу куни барча ёмонликлар, адоват ва хатолар кечирилган, муҳтож одамларга ёрдам кўрсатилган. Халқимиз қадимдан янгиланиш фасли бўлган Наврўз ҳаммага яхши кайфият, хонадонларимизга бахт-омад келтиришига ишонади. Ана шу ишонч билан меҳмондўстлик анъанаси шаклланди. Бу урфга айланиб, ўзбекнинг фазилатларидан бири меҳмон кутиш ҳисобланади. Мўл-кўл дастурхон безатиш ҳам гўзал одатларимиздан бири демаски. Бу кунда ҳар бир хонадонда меҳмонларни юзда табассум, ҳурмат билан кутиб олишади ва ўзлари ҳам меҳмонга боришади. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларда ўтказиладиган халқ сайиллари, анъанавий миллий ўйинлар, йигитларнинг кураш ва кўпкари мусобақалари ҳамда хунармандлик кўргазмалари билан байрамга ўзгача мазмун бахш этади.



Наврўз шунчаки бир байрам эмас, бу халқимизнинг жипслашиши, давлатчилик тушунчаларининг шаклланиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ улкан қадриятдир. Бу байрам оддий байрам эмас, балки халқимизнинг тарихи, фалсафаси, тушунча ва тасаввурлари, қадриятларини ўзида мужассам этган, миллат билан улғайиб, миллат билан бирга тараққий этган байрам. Бу байрам қадим-қадим замонлардан буён элимиз ардоқлаб келаётган,

элимизни, юртимизни улуғлаб келаётган байрам. Чунки қадимда Наврўз кенг дала-қирлар, тоғлар, боғлар қўйнида бутун элу улус билан биргаликда нишонланган. Бундай сайлларда оддий деҳқон ҳам, амалдор ҳам барчаси бирдек иштирок этган, Наврўзнинг тантанали кутиб олинишига ўз хиссасини қўшган. Эл-улус билан бирликни, тотувликни яна бир қарра ҳис қилган. Наврўз ҳақида тарихий, адабий манбалар кўп. Маҳмуд Кошғарий, Беруний,

Умар Хайём, Алишер Навоий каби алломаларимизнинг асарларида ва бошқа манбаларда Наврўз байрами, у билан боғлиқ урф-одатлар ҳақида кўплаб маълумотлар келтирилган.

Маълумки, мавсумий маросимлар дунёнинг барча халқлари орасида энг кўхна тасаввурлар билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлган. Улар ҳар бир халқ яшаётган ҳудуднинг шарт-шароити, об-ҳавоси, халқнинг турмуш тарзи ва бошқа бир қатор омиллар билан боғлиқ равишда шаклланиб ривожланади. Халқнинг асл, азалий байрамлари биринчи галда унинг фольклорида ўз аксини топади. Айнан кўклам пайтида фасллар алмашинуви, табиатнинг қайта тирилиши, уни жонлантириш билан боғлиқ «Қозон тўлди» каби қадимий маросимлар, полвонлар кураши, бахшилар беллашуви, сумалак, лола сайллари бўлиб ўтган. Ушбу маросим ва сайллар моҳиятан инсон ҳаётини янада яхшилаш, табиат мушкулларини енгиллаштириш, келаётган кўклам ва янги йилни қутлаб, унинг қут-баракали ўтишини Яратгандан сўраш, турли ҳаракатли ўйинлар, қўшиқлар воситасида келаётган йилнинг қандай бўлишини чамалаб кўришга хизмат қилган. Ушбу эътиқод

ва у билан боғлиқ маросимлар тизими элимиз орасида бугунги кунгача яшаб келмоқда.

Наврўз халқимизнинг энг қадимий миллий байрами ҳамда табиат билан инсоннинг ўзаро чамбарчас алоқасини, уларнинг бир бутунлигини ифодаловчи деҳқончилик байрами, янада чуқурроқ таҳлил этсак, табобат ва уйғониш, янгиланиш байрамидир.

Янги Ўзбекистонга Наврўз байрами келмоқда. Миллати, динидан қатъи назар, шу юртда яшаётган барча миллатлар, элатлар учун бирдек севимли айём, кекса-ю ёш учун бирдек азиз шодиёна улашадиган Наврўзи олам Янги Ренессанс остонасида юртимизга, халқимизга байрам туҳфасини олиб келмоқда...

Бу маънавиятимиз, бу маърифатимиз, бу ислоҳотларимиз фақат инсонни улуғлашга қаратилгани Наврўз туҳфаси: биринчидан, Ўзбекистон БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш аъзоси бўлиб, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашининг ўзи янгиланишдир, иккинчидан, ҳар бир инсон давлат эътиборида, кексаларга ҳурмат ва иззат, ёшларга имтиёз ва шарт-шароитларнинг ўзи янгиланишдир, учинчидан, ҳаж ва умра сафарлари ўзбек халқига янги қувонч ва умид уйғотса, аёллари улуғланган юртда бунёдкорлик юртга ва халққа туҳфадир.

Фирюза МУҲИТДИНОВА,
ТДЮУ профессори,
«Маърифат» тарғиботчилар
жамияти аъзоси

КОРОНАВИРУС ВАҲИМАСИ БОШЛАНДИ

« Ўзбекистонда коронавирусга чалиниш ҳолатлари яна орта бошлаши ортидан 15 март кундан бошлаб аҳолининг карантин қоидаларига риоя қилиши устидан назорат кучайди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида ўқувчилар, талабалар ва ташкилотлар ходимларида инфекция аниқлангани боис жойлардаги назорат тадбирлари қайта жорий этилди, дея хабар берди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги маркази Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи Малика Қудратхўжаева.

Тошкент шаҳрига коронавирус инфекцияси кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича Тошкент шаҳар штаби қарорига кўра, жорий йил 16 март кундан бошлаб, Мирзо Улугбек, Чилонзор ва Юнусобод туманларидаги барча умумтаълим мактабларини бир марталик карантин муддатига (14 кун) онлайн ўқитишга ўтказилди.

Ушбу туманлар ҳудудида фаолият олиб бораётган нодавлат ва хусусий таълим ташкилотларига 16 мартдан бошлаб бир марталик карантин муддатига (14 кун) ўқувчиларни масофавий шаклда ўқитишга ўтказиш тавсия этилди.

Пойтахтимиздаги бошқа туманларда ўқиш баҳорги таътилга қадар карантин талабларига тўлиқ риоя этилган ҳолда анъанавий давом эттирилиши айтилмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш

юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг коронавирус пандемиясини инobatга олган ҳолда мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрами тадбирларини ташкиллаштириш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўнгги кунларда аҳоли ўртасида коронавирус инфекцияси билан касалланиш ҳолатлари бироз ортанлиги боис, байрам тадбирларини об-ҳаво шароитини инobatга олган ҳолда очиқ жойларда, яъни боғлар, хиёбонлар ва ўйингоҳларда ўтказиш, аҳолини кўп тўпламаслик ва ташриф буюрувчилар ниқобда бўлишлари ҳамда ижтимоий масофани сақлашлари устидан назоратни ўрнатиш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, Санитария-эпидемиология хизмати томонидан аҳоли ўртасида коронавирус билан касалланиш ҳолатларини барвақт аниқлаш бўйича ПЗР лабораторияларнинг тўлиқ қувватларда фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, коронавирус инфекциясига қарши хавф ости гуруҳига мансуб аҳоли қатламини ихтиёрий эмлаш тадбирларини ташкил этиш борасида тегишли топшириқлар берилди.



КАРАНТИН ҚАЙТАДИМИ?

COVID-19 билан боғлиқ вазият жиддий тус ола бошлагани ижтимоий тармоқларда, аҳоли ўртасида турлича талқин қилинмоқда. Бу одамларни тезроқ вакцина олишга ундаш, деган гаплар ҳам айтилмоқда.

Кеча Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида айни шу масалада матбуот анжумани ташкил этилди. Мутасаддилар COVID-19 билан боғлиқ бугунги вазият, вакцинация жараёнларига тайёргарлик борасида турли саволларга жавоб қайтаришди.

Одамларни вакцинация жараёнларига ундаш учун атайлаб касаллик кўпайиши бўрттириб кўрсатил-яптими?

Нурмат ОТАБЕКОВ,

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати раҳбари ўринбосари:

– Эмлашга жалб қилиш учун атайин касаллик бўрттириб кўрсатил-япти, деган гапларда мантиқ йўқ. Касаллик болалар орасида кўпайяпти, биз эса 18 ёшдан юкориларни эмлашни режалаштиряпмиз.

Карантин чекловларига келсак, бундай бўлишига ўзимиз сабабчимиз. Чунки ниқоб тақиш, антисептик

воситалардан фойдаланиш, масофа сақлаш қоидаларини унутиб қўйдик. Биз ҳаддан ортиқ хотиржамликка берилиб кетдик, мана шу ҳолат вазият жиддийлашувига сабаб бўляпти.

Нега кўп давлатлар «Astra Zeneca» вакцинасидан бош тортиди ёки тўхтатиб қўйди?

Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ,
соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари:

– «Astra Zeneca» вакцинаси билан Европа Иттифоқи ва Буюк Британияда аллақачон 17 миллион киши эмланган. Улар орасида зарарли таъсир қилган деб баҳоланган ҳолатлар миллиондан биттани ташкил қилади.

Бундай ноҳўя таъсирлар айнан вакцина туфайли келиб чиқди деб ҳеч ким айтмайди, ҳатто ЖССТ ҳам. Биз ЖССТ таркибидаги махсус комиссияларнинг хулосаларини кутяпмиз. Дунёда бирор вакцина қўллашдан тўхтатиб турилгани – унинг бутунлай зарарли деган хулосага олиб келмайди. Шунчаки ҳозирда унинг таъсирлари борасида чуқур ўрганишлар олиб борилмоқда.

Вакцинадан ташқари ниқоб тақиш ва ижтимоий масофа сақлашни ҳам давом эттириш шарт!

«ОИЛА»ДА НОЁБ ХАВОТИР

ёхуд Одам атодан келаётган буюк мерос

(Бошланғичи I-бетда)

Кўпчилик идиллия ёки идиллиявийлик термини остида жўнгина қишлоқ турмуши, сокин ҳаёт тарзи ва буларнинг содда тасвирини тушунади. Идиллияга нисбатан бундай қараш замирида оламни индустриясиз тасаввур қила олмаслик, ижтимоий нуқтаи назарнинг гегемонлиги, айниқса, собиқ советлар мафкурасининг социал умумлаштириш принциплари туради. Идиллия эса айни қарашларга зид равишда башариятга хос илк одам, илк оила, инсон кўнгли, индивидуал ва маиший ҳиссиётни талкин этади. Ундаги содалик остида теранлик, оддийлик остида буюклик, миллий мазмун остида улуғвор фалсафа туради. Абдулла Орифнинг идиллиявий талкинга молик барча шеърлари, хусусан, «Оила» шеъри моҳиятини ҳам шундай бадиий-фалсафий ўзига хосликлар ташкил этади.

Шеър сюжети ниҳоятда содда. Унда муайян оила ҳаётида рўй берган одатдаги бир воқеа лирик тасвир этилган. Айни воқеа исталган ўзбек оиласи (*ҳатто бошқа миллатларга мансуб оилаларда ҳам*)да рўй бериши мумкин. Шунинг учун ушбу шеърда акс эттирилган воқеани идиллик сюжет қолипи тарзида қабул қилсак ҳам бўлади. Яъни ота-она, ўғил ва қизлардан таркиб топган бир оила. Болаларнинг барчаси, ҳатто кенжа ўғил ҳам (*машинада чиқиб кетгани эътиборидан*) ўз йўлини топиб кетган. Катта ўғил бирор кўл ёки дарё бўйига дам олгани (*балиқ овига*) йўл олган. Қиз фарзанд қайсидир олий ўқув юртининг кечки бўлимида таҳсил олади. У ўқишда. Шеър сюжетидаги барча лирик ҳолатлар тасвири чол ва кампир – ота-она билан боғлиқ. Улар эрталабдан кўчага чиқиб кетган болалари ҳақида ўйлайдилар, муҳокама юритадилар, хавотирга тушадилар. Бир-бирларини «нуқийди»лар. Кун тугаб, кечки овқат маҳали болаларнинг барчаси уйга қайтади. Чол-кампир дастурхон атрофида тўрткўз тугал жамланган болаларини кўриб хотиржам торгадилар. Яратганга шукрона келтирадилар. Аммо уларда кун бўйи кечган хавотир ҳисси, ўзаро мунозаралардан болалар беҳабар. Чол-кампир бундан ўз болаларига билдиришни ҳам исташмайди. Ўз шукроналарини эса фақат ишора билан баён этишади. Шеър сюжети шу билан яқунланади.

Авалло, ота-она, ўғил-қиз – бу, мукамал даражадаги оила дегани. Шеърдаги образларнинг тизимлиги шундаки, Одам ато ва момо Ҳавво



оиласидан бугунга қадар мукамал оила таркибини шу тўрт тип ташкил этади.

«Оила» шеъридаги болалар образи ниҳоятда пассив. Чунки лирик сюжет вокелиги умумоила яшайдиган хонадон ичидан туриб тасвирланяпти. Тасвир диапозонининг бу тарзда мутлақлаштирилиши шоир бадиий нияти билан боғлиқ. Айни пайтда болалар ҳам ўз маконларида – катта ўғил овда, кенжаси йўлда, қиз фарзанд эса ўқишда – фаол бўлишлари мумкин. Аммо шоир бадиий мақсади учун бундай фаоллик муҳим роль ўйнамайди. У мазкур вокелик воситасида умуман оилани, хусусан, ота-она психологиясини лирик асослашни кўзда тутган. Шунинг учун ҳам шеър сюжет тизимида ота-она образларига фаол ҳаракатланади. Айни ҳаракатлар шеър ботинида ўй-хаёл, мулоҳаза-муҳокама, баҳс-мунозара тарзида ифодаланади.

Шуни алоҳида такидлаш ўринлики, бу қадар фаол бўлишларига қарамасдан асардаги на ота, на она образи индивидуал асосга эга эмас. Уларнинг ҳар иккаласи расмий, умумлашган, типиклашган образлардир. Типиклашгани боис ҳам уларни умуммиллий ёки умумбашарий ота-она образи дейишимиз мумкин. «Оила» шеъридаги ота-она образи учун ҳатто макон-замон муайянлиги ҳам хос эмас. Чунки бундай ҳолат Одам ато ва момо Ҳавволар билан ҳам рўй берган бўлиши мумкин (*Ривоятларда келишича, ўз ўғилларини овга жўнатган Одам ато ҳам улар овдан қайтганларича хавотирга тушар эканлар*).

«Оила» шеърининг жон томирини тутиб турган, унга тириклик, жозоба, лириклик, инжа бадиият бағишлаб

турган бадиий компонент ҳам аслида хавотир саналади. Бундаги хавотир тасвири ота-она образининг улканлашуви, типиклашуви, теранлашуви таъминлаши билан бирга, ботин драматизми, ички диалог, психологик ҳолатлар уйғунлиги ва маърифийлигини ҳам таъминлаган.

Доимий такрорланиб турувчи оддий бир кун. Ҳамма фарзандлар одатдаги машғулоти билан банд. Бу ўринда фавқуллода ёки новеллавий бирор ҳодиса йўқ. Болалар орасида ишқал чиқариши мумкин бўлган, ота-онани йўриғидан чиқадигани ҳам йўқ. Кенжа ўғилнинг «шаддод»лиги ҳам табиий, ўз йўлида (*барча кенжалар сингари*). Шунга қарамасдан, чол-кампирнинг кўнгли хотиржам эмас. Хаёллари чувалган, егани ичига тушмайди...

Хўш, унда бу хавотирнинг боиси нима?

Бу шундай бир ноёб хавотирки, унинг ҳеч қандай сабаби йўқ. Айни пайтда, бирор мантиққа бўйинсунмайдиган, тушунтириш, тушуниш қийин бўлган, енгил, қутулиш мумкин бўлмаган абадий хавотир бу. Бу хавотир Одам ато ва момо Ҳавводан мерос умуминсоний хавотир. Унинг остида ота-онанинг фарзандга бўлган ботиний ва ҳеч қачон туганмас меҳри яширинган. Айни шундай улкан кўлами, мураккаблиги, ҳеч қандай психологик талкинга бўй бермаслиги билан ҳам у инсонга хос, азалий ва абадий хавотирнинг мукамал лирик намунаси.

Шеърда акс этган муносабатнинг ҳам илдизлари чуқур, ҳатто хавотир категорияси билан салкам тенгдош. Абдулла Ориф бундан кичкина детал воситасида мукамал ифода қилган:

*Кампир: Шукур, – дейди
қимтиниби лаби,
Чол ҳам жилмаяди: Тушунар...
Дунёда ҳеч бир гап бўлмаган каби.
Болалар овқатни туширар.*

Чол-кампир учун «узун-қиска бўлиб» болаларнинг уйга қайтиши, дастурхон атрофида жамланиши юксак бир саодат. Улар бундай саодатга етишув учун ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа изтироб чекишади. Кун охирида эса барча изтироблар унутилади. Шу нуқтадан вақтни тонгла яна қайта бошланадиган изтироб лаҳзаларига етказиш учун са-

одат онлари ҳаракатга тушади. Жараён Қиёмат қадар тўхтамайди. Ота-она вафотидан сўнг фарзандларга, сўнг не-вара, эвара, чевара, дувара, кабираларга мерос бўлиб ўтади. Бундай фидойилик – хавотирга йўғрилган покиза туйғуга муносабат ҳам сира ўзгармасдан давом этади: бепарволик, эътиборсизлик. Бундай бепарволик, эътиборсизлик учун болалар айбдор эмас. Ота-она бундан яхши билишади. Билишгани боис ҳам дастурхон атрофида шукрона саодатини туйган онларини ишора остига яширишади. Яшириш асносида марҳум ота-оналарини эслашади, тушунишади. Ўз хаёлларида: «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада» деб қўйишади. Зотан, бола кўнглининг далада бўлиши ҳам бир қонуният, муносабатни ташкил этувчи ўзгармас категориянинг айни ўзидир (*Момолар таъбирича, «Одам ато ҳам отам-онам эмас, болам», деган эканлар. Чунки у Зот алайҳиссаломнинг ота-оналари бўлмаган экан*).

«Оила» шеъри сюжети чол-кампир хонадонидан рўй беришини юқорида таъкидлаб ўтдик. Бу маконда воқеалар абадий давом этади. Болалар кўчага йўл оладилар, чол-кампир (*ота-она*) эса уларни уйда кутади. Кетиш-кутиш бу макондаги нисбий ҳаракатни таъминлайди. Аммо ота ҳовлиси (*ёки ота уйи, хонадони*) эса ўзгармайди. Воқеалар такрорланиб турувчи турғун маконлигича қолаверади. Бу шеърдаги замон категорияси ҳам худди шундай. Ёнламасига (*горизонтал*) ёки юқорига (*вертикал*) қараб ҳаракатланмайди, балки циркуляр траектория бўйлаб такрорланиб туради. Ҳатто боболар, оталарнинг ўлими ҳам замоннинг бундай ҳаракатини ўзгартира олмайди. Авлодлар ҳаёти негизида такрорланишда давом этаверади. Такрорланувчи ташрифлар кутишдан кейинги қайтиш, бир дастурхон атрофида жамланишда намоён бўлади. Ота-она кутгани каби болалар ҳам уйдан чиқиб кетадилар, қайтиб келадилар. Бу жараён узлуксиз тўхтамайди. Кетиш муддати маълум вақтга чўзилиши, ота макондан узоклашувнинг рўй бериши ҳам ушбу азалий қонуниятга путур етказиш олмайди. Токи ер юзида ягона оила қолар экан, такрорланаверади.

Шеърнинг умуммиллий, умумбашарий кўлами, даражаси ва аҳамияти ундаги хулосада ўз аксини топган. Бу хулоса Яратган низомининг буюклиги, абадийлиги, башариятга оила бўлиб яшашни ихтиёр этганини эслатиш, таъкидлаш, тарғиб этишда намоён бўлади. Мана шундай буюк низом асосида яшаб келаётган оила феноменининг мукамал бир намунасида шаклланган шоир ҳеч қандай сунъий зўриқишларсиз, табиий равишда «Оила» шеърини ўз ўқувчиларига тақдим этадики, бу муҳим жиҳат шеър абадияти ва бадииятини таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шоир Абдулла Орифнинг «Оила» шеъри ўзбек халқи миллий ўзлигини мукамал даражада сақлаб келаётганини кўрсатувчи улкан бадиий далилдир.

Узоқ ЖўРАҚУЛОВ,
филология фанлари доктори,
ТошДўТАУ профессори



«ЧИРИГАН АҚИДАЛАР» ОРТИДАГИ НИЗОЛАР

«Қиз болани мустақил ҳаётга тайёрламай узатамиз,
бечора эрнинг эса турар жойи йўқ...»



Нотинч бўлган, ажрашиш ёқасига келиб қолган, умуман шунга ўхшаш носоғлом оилалар (*уй-жойлар*)дан мажбур бўлиб чиқиб кетган ёки чиқариб юборилган ё аразлаб кетиб, сўнг қайтиб келолмаган, қайтиб келса, келин бўлиб тушган уйига киритилмаган аёллар ҳақида албатта кўпчилик эшитган.

Чунки, улар ҳам кимнингдир синглиси-опаси, қариндоши, кўшниси, синфдоши, касбдоши умуман олганда, таниш-билиши, қисқаси улар ҳам бегона эмас – юртдошларимиздир.

Биз буни пинагимизни ҳам бузмай, «ҳа, оиласи бузилиб келибди, энди болалари билан қаерга сиғади, уларни ким боқади?» деймиз. Агар шундай деб ғийбат қилмасак, албатта...

Хом ҳисоб-китобларга кўра, Тошкент шаҳри ва республика вилоятларининг марказий шаҳарларида ана шундай аёлларнинг фақатгина 3 фоизга яқини, қишлоқ туманларида эса 0,5 фоизи болалари билан бирга келин бўлиб тушган уйига киритиб қўйиш ҳақида судларга даъво қилади.

Умумий ҳолатда оила-никоҳ низола-рида кучли биринчиликни алиментга оид даъволар, иккинчи ўринни никоҳдан ажратишга оид низолар эгалласа, топ учталикни юқорида баён этилган болалари билан бирга уйга киритиб қўйиш ҳақидаги даъволар якунлаб беради.

Шунингдек, бундай даъволарга қарши даъволар ёки уларни уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқини йўқотган деб топиш, уларни ушбу уйлардан кўчириб юбориш тўғрисидаги даъволар эгаллайди.

ТАСАВВУР ҚИЛГАНМИСИЗ?

Норасида болалари билан борадиган, яшайдиган уй-жойи ва имконияти йўқ аёлларни, чорасизликдан ўша нотинч оиллага (*уй-жойга*) бўлса ҳам киритиб қўйиш учун судда жон ҳолатда тортишаётган, ўз ҳуқуқларини талаб қилаётган аёлларни ҳамда уни ва болаларини уйга киритмаслик учун ҳар қандай чорани кўришга тайёр эр, қайнона-қайнопа, қайинсингил-қайинопа, қайинака-қайинукаларни ҳеч тасаввур қилганмисиз?

Қолаверса, аёлларнинг ўз жонига қасд қилиш ҳолатларини таҳлил қилсак, бунга асосий омиллардан рашк мотивидан кейинги ўринни уй-жойи ва борадиган жойи бўлмаган вазиятдаги аёллар ташкил этади.

Илғор давлатларда эса, ёшлар ота-онасининг орзу-ниятлари асосида тезроқ оила қуришга эмас, вояга етибоқ катта ва мустақил ҳаётни ўрганишга, бировнинг кўмагисиз яшашга, ҳеч бўлмаса шунга ўзини тайёрлашга уринишади.

Никоҳдан ажраган ёки ажрашаётган ёш аёлларнинг вояга етмаган болалари билан бирга уйга киритиб қўйиш ҳақида судга бераётган даъволарнинг асослари, уларнинг келиб чиқиш сабаб-омиллари ва бу каби низоларнинг олдини олиш юзасидан бир-икки тақлифларни ўртага ташласак, фойдадан холи ёки ёмон бўлмайди.

АСОСЛИ ДАЪВО: УЙИМГА КИРИТИБ ҚЎЙИНГ...

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига мувофиқ, эр ва

хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 32-моддасига кўра, уй, квартира мулкдорининг оила аъзолари, шунингдек у билан доимий яшаётган фуқаролар, агар уларни кўчириб келган пайтда ёзма равишда бошқа ҳол қайд



этилган бўлмаса, уйдаги, квартирадаги хоналардан мулкдор билан тенг фойдаланишга ҳақлидирлар.

Улар мулкдор берган турар жойга ўзларининг вояга етмаган фарзандларини кўчириб киритишга ҳақлидирлар, оиланинг бошқа аъзоларини эса уй, квартира мулкдорининг розилиги билангина кўчириб киритишлари мумкин. Бу шахслар уй, квартиранинг мулкдори билан оилавий муносабатларни тугатган тақдирда ҳам уларда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолади.

Демак, қисқа ва содда қилиб айтганда, хотин уйга киритиб қўйишни сўраши учун ўша низоли уй эр-хотиннинг биргаликдаги мулки, яъни никоҳлари даврида олинган бўлиши ёки уй, квартира мулкдорининг оила аъзоси, шунингдек у билан доимий яшаётган ё шу уйдан фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритган бўлиши керак.

НИЗОЛАР ҚАНДАЙ КЕЛИБ ЧИҚМОҚДА?

Никоҳдан ажрашиш ва аёлни фарзандлари билан бирга ота уйига кузатиб қўйиш, агар ота уйи бўлса ёки у уйга сиғса, туғилиб ўсган ўз уйига ҳам сиғмагандан кейин судга даъво киритиши табиий, бошқа чораси ҳам йўқ.

Агар аввал бошдан никоҳдан ўтувчиларнинг жуда катта қисмини ўз мол-мулкига (*кўчмас*) ёки уй-жойга эга

эмаслигини тан олсак, бир ҳақиқат аён бўладики, кўпгина оилалар яхши бўлиб кетар деган ўйда, яхши ниятлар асосида қурилади ёки опа-сингилларимизни ҳаётга ўзимиз таваккал кузатамиз.

Хуллас, оиласи бузилиши ва қайтиб келиши мумкин бўлган вазиятларни ҳисобга олмай, бундай ҳолатларда лозим тайёргарлик, шарт-шароитларни яратиб қўймай ё уларни уйсиз қолган вазиятда яшаши учун муқобил турар жой йўқлигини билсак ҳам, яхши ниятда шоша-пиша, мустақил ҳаётга тайёргарликни яратмай, тезроқ узатишим керак, деган қотиб қолган, чириган ақидалар асосида, кўп ҳам бош қотиришни ёқтирмайдиган миямиздаги ана шундай «доминант» фикрда уларни ўзимиз узатиб юборамиз.

Оила бошлиғи, яъни, бечора эрнинг эса, ўз хотини ва болалари билан бир оила бўлиб яшаши учун шахсий ёки

доимий яшаши учун турар жойи йўқ. Унинг ўзи ҳам ота-онаси ва ака-ука, опа-сингиллари томонга ўтиб, хотин ва вояга етмаган болаларни уйдан ҳайдашга мажбур. Чунки, у оила яшаётган турар жой эрнинг ота-онаси ва бошқа яқин қариндошларига тегишли. Хотин (келин)нинг уйдан чиқарилиб юборилишига ҳам айнан мана шу низоли уй-жой бу оиланинг ўзига тегишли бўлмагани асосий омиллардан биридир.

ҚАНДАЙ ЧОРА-ТАДБИР КЕРАК?

Уйга киритиб қўйиш ҳақида низоларни қамайтириш учун қуйидаги чора-тадбирларни кўриш муҳим:

Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»да белгилаб қўйилган никоҳ шартномаси ҳуқуқидан кенгрок фойдаланиш, бизнинг қонунчиликдаги никоҳ шартномамиз шундоқ ҳам кўп масалани қамраб олмайди, фақатгина, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулккий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгилловчи келишуви ҳисобланади. Яъни агар амал қилинса, аёл болалари билан кўчада қолмаслиги мумкин.

Айни пайтда бозор иқтисодиёти қодалари амал қилаётган бошқа жами-

ятлар каби, юртимизда умрбод, доимий, эгалликка бериладиган ижтимоий уйлар ва ижара уйларни кўпайтириш, бу борада ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш юзасидан давлатнинг илмий ва ҳаётий тажрибага асосланган Дастурини йўлга қўйиш долзарб вазифалигича қолмоқда.

Албатта бу борада давлатимиз раҳбари жорий йил 3 март куни уй-жой қурилиши ва ипотека бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун 500 тагача – жами 6,5 мингта оиллага кредит берилади.

Оғир турмуш шароитига тушиб, бошпанасиз қолган мингта оила, айниқса, аёлларга ижара асосида ижтимоий уй-жойлар ажратилиши ҳақида кўрсатма берилди ва шу мақсадда ҳар бир ҳудудга хусусиятидан келиб чиқиб, 10 миллиард сўм ажратилиши белгиланди. Ёш оилалар ва муҳтож аёллар учун ижтимоий уй-жойлар ва ижтимоий ижара уй-жойлар қуришни кўпайтириш бўйича, қурилатган уй-жойлар таннархини кескин туширишга кўрсатма берилди.

Кейинги ўта долзарб масала эса, энди бу борада қарашларни ўзгартиш вақти келди. Хусусий мулк, кўчмас мулк, оила мулки, бозор иқтисодиёти шароити нималигини англаб етиш, барча шароитни давлат яратиб беради, кўп бўлмаса, қарз-кредит олармиз, аввал орзу-ниятларни қилиб олайлик, қиз узатайлик, ўғил уйлайлик, шулардан қутилайлик қолгани бир гап бўлар деган эскича ва ноҳор фикрдан воз кечиш даркор.

Фарзандларни мустақил ҳаётга тайёрлаш устида улар жуда ёшлигидан бошлаб бош қотириш, шунга ҳаракат қилиш, чойхона, гап-гаштак, катта-катта тўй-тантана фақатгина шу мақсад учун маблағ тўплаш-сарфлаш каби ҳали жуда кўплаб сақланиб қолаётган, имконимиз ҳар доим кўтармайдиган (шароити борлар бундан мустасно, улар ўзлари билади, гўёки, бизни ижтимоий иллатимиз (норасмий мажбуриятимиз)га айланиб қолган кераксиз вақт ва ҳавога созурилатган маблағ каби сарфлаётган одатларимиздан қутилишни тезлатишимиз лозим.

Хуллас, оила-никоҳ, фарзандларимизга муносиб ҳаёт, шарт-шароит, мулк ҳозирлаш, ҳеч бўлмаса уларнинг ўзларини шунга ўргатиш масаласига тизимли эътибор бериш, болаларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, тадбиркор, тадбирли, ишбилармон, илмли қилишга бор имкониятни ва диққат-эътиборни қаратиш, бу – бандандарвоз гаплар эмас, буни амалга оширишимиз керак.

Агар умримизнинг кам вақти, маблағ ва имкониятларини бу йўлда сарфлар эканмиз, қизларимиз, опа-сингилларимиз суд остонасига «уйга киритиб қўйиш ҳақида» даъво билан келаверади... Бу эса бизнинг халқимизга хос эмас.

Айтганча, яна бир гап. Биз Иккинчи жаҳон уруши даврида миллионлаб болаларни бағрига олиб, ўз уйдан жой, меҳр берган буюк инсоний фазилатлар соҳиблари бўлган аждодларнинг авлодларимиз. Бугун эса ўз ўглининг фарзандлари, невараси, жияни, яқинлари норасидаларни келинига қўшиб уйдан чиқариб юбориш учун судга даъво киритиб, низо кўтармоқдамиз...

Албатта бунда келин-аёл томонини ҳам қўлламоқчи эмасман, асосий масала оилаларни пароканда бўлишга қўйиб бераётган, уларнинг ҳаётига ортиқча аралашиб, ижтимоий амбициясини босиб олмаётган катталаримиз...

Хулоса ҳар биримиздан!

Нуриддин МУРОДОВ,
Тошкент шаҳар

Учтепа туманлараро суди судьяси
(ЎЗА)

«ДУНЁНИ ҚИЗҒАНМА МЕНДАН,

Машиҳур ҳофиз, улуғ санъаткор, Ўзбекистон ва Тоҷикистон халқ артисти Шерали Жўраев ҳақида публицистик кўшиқ

Эй, кўшиққа ташна, чанқоқ юраклар!
Эй, кўшиқсевар диллар, асл кўшиқнинг
мафтун бўлган қалблар!

Сизга ўлмас бир кўшиқ ҳақида сўзлай,
бўзлай-бўзлай, ёниб-ёниб, куйиб-
куйиб, ўртаниб-ўртаниб, тўлиб-тўлиб,
жўшиб-жўшиб, қайнаб-қайнаб, то-
шиб-тошиб сўзлай!

Гоҳ баралла овозда, гоҳ оҳиста, со-
кин, гоҳ майин, гоҳ ҳайкириб айтай!

Сиз бу камтарин ва улуғ ҳофизни
яхши биласиз ва уни юксак меҳр билан
севасиз. Ҳа, бу ўша – ҳамма биладиган
ҳофиз. Унинг ўктам ва мағрур овозини
ярим асрдан буён эшитиб келамиз. Уни
ёниб-ёниб, хузур қилиб дард билан,
қувончу армон билан тинглаймиз.
Тинглаб тўймаймиз. Қулогимиз, вужу-
димиз, юрагимиз яна, яна куйлайвер,
тўхтама, куйлайвер, ҳофизим, деб ил-
тижо қилади.

Бу овозга қалбан саждалар қиламиз.
Бу овознинг имкониятлари нақадар
кенглигидан ҳайратга тушамиз. Бу
сеҳрга, сир-синаотга тўла овоз сизни
ўз домига оҳанрабодай тортаверади.
Сиз эса, сархуш оҳанглар, дилўртар
нолалар уммонига ғарқ бўлаверасиз.
Бу қудратли овоз ўтмиш билан бугун-
нинг нолаларини, оҳангларини, барҳаёт
анъаналарини ўзида мужассам этган.
Аждодлар билан авлодларнинг боқий
туйғуларини занжирдай мустаҳкам-
лаган. Асрий дардларга малҳам қўяди
унинг кўшиқлари. Яшашга, дадил қа-
дамлар ташлашга давъат этади.

Бу нолакор овоз дастлаб Андижон
томонларда янгради. У чўпон отасига
эргашиб, дашту-тоғларда қўй боқиб
юрган кезларида хиргойи қилишдан
тўхтамасди. Унинг ёқимли ва ширали
овозини эшитган отаси ич-ичидан хур-
санд бўлиб, ўғлини дуо қиларди. Ўғил
эса кенгликлар, тоғ-тошлар бағрида
куйлагиси келиб, юраги тўлиб-тошиб
кетаверарди. Болалигидан кўшиқ унинг
жону жаҳонига айланиб, жажжи юра-
гидан ўрин олган эди. Бир кун келиб
бу хиргойилари овоз султониға айла-
нишини ҳали ўзи билмасди. Бир кун
келиб, бу мағрур ва ёрқин камалакдай
товланувчи овоз миллион-миллион
юракларни мафтун этишини хаёлиға
ҳам келтирган эмас.

Унинг ягона буюк орзуси бор эди:
кўшиқ куйлаш. Ҳали ҳеч ким эшитма-
ган, ҳали ҳеч ким айтмаган кўшиқни
айтишни истарди. Бу кўшиқ унинг
юрагида туғилиб, вояга етаётган эди.

Туғилиб ўсган она-замини, улғайган
Ватани, улуғлаб куйлаган халқи уни
кўшиқчи қилди. У туғилган Ватаннинг
тупроғи азиз ва табаррук Аллоҳнинг
назари тушган муқаддас замин.

У кейинчалик катта юрак билан
куйлаган «Ўзбегим» кўшиғида шундай
набра тортдики, халқнинг ҳам қалби
кенгайиб кетди, қадди юксалди.

*Тарихингдир минг асрлар,
Ичра тинҳон, ўзбегим.
Сенга тенгдош Помиру
Оқсоч Тиёнишон, ўзбегим.
Сўйласин Афросиёбу
Сўйласин Ўрхун хати.
Кўҳна тарих шодасида
Битта маржон, ўзбегим...*

Бу даврда шўронинг катагон сиё-
сати авжга чиққан таҳликали йиллар

эди. Сўздан, ҳарфдан, ижродан сиёсий
хато изланадиган мудҳиш даврлар эди.
Лекин ҳофиз бу кўшиғи билан бизнинг
улуғ ва буюк ўзбеклигимизни ҳаммиша
ёдимизга солиб келади. Бу ўша замонда
ҳақиқий жасорат ва қахрамонлик эди.

Кейин у «Ўзбекистон» кўшиғида яна
юқори пардаларга кўтарилди. Авжни
баланд олди:

*Америка – сеҳрли диёр,
Ухлар эди Колумб ҳам ҳали.
Денгиз ортин ёритди илк бор,
Берунийнинг ақл машъали.
Колумба бор аламиним маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним...*

Ҳофиз ҳаммиша шеърнинг юрагини
топиб, ўз юрагиға жойлаб, кейин куй-
лайди. Репертуар устида жуда жиддий
тер тўқади. Вақт ва замон ўтаётди.
Лекин унинг репертуаридаги умри узун
кўшиқларини ҳамон завқ-шавқ билан
тинглайдилар.

Ҳар бир ижро этилган янги кўшиқ
ҳофизни кашф қилади. У кўшиқ санъа-
тимизда чинакам яратувчи – кашфиёт-
чига айланди.

Бетакрор овоз соҳиблари, булбул-

спектаклга айланади. Мухлислар унинг
концертларидан юраклари сел бўлиб
чиқадилар.

Унинг юрагидаги, овозидаги дард-
лари Жалолиддин Румий, Алишер
Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Фузулий, Ҳофиз Шерозий, Саъдий,
Огаҳий, Ганжавий, Эркин Воҳидов, Аб-
дулла Орипов, Омон Матжон, Ҳалима
Худойбердиева, Разул Ҳамзатов, Усмон
Азим, Тўра Сулаймон каби машҳур
ижодкорларнинг қаламидан тўкилган
дардлар билан уйғунлашиб кетади.

У шеър ёки ғазални теран англаб,
сўзлар катидаги маъноларни, дардлар-
ни, изтиробларни ўз юрагидан ўтказиб,
кейин куйлайди.

Унинг ижросидаги «Биринчи муҳаб-
батим» кўшиғи янграган лаҳзалардан
бошлаб, ошиқ юракларнинг дардли
мадҳиясига айлангани ҳаммага аён. Бу
умрбоқий кўшиққа бутун халқимиз жўр
бўлиб, Ўзбекистон куйлайди, десак,
муболаға бўлмайди:

*Сени эслаб йиғлайман,
биринчи муҳаббатим,
Эслаб бағрим тиглайман,
биринчи муҳаббатим...*



нафас, буюк санъаткорлар – Ҳалима
Носирова, Ҳожи Абдулазиз, Комилжон
Отаниёзов, Маъмуржон Узоқов, Расул
Қори Мамадалиев, Отажон Худойшу-
куров, Бобомурод Ҳамдамов ҳақиқий
кўшиқ кашфиётчилари бўлган. Бу
улуғлар сафидан бизнинг суюкли ва
фидойи санъаткоримиз ҳам муносиб
ўрин олди. Мардлик ва ҳалоллик билан
ўз ўрнини топди.

Маълумки, сахроға қатра сув ҳаёт
бағишлаганидек, ҳофиз яратган кў-
шиқлар ҳам ҳақиқий санъатга ташна
қалблар чанқоғини қондириб кела-
ётди...

У қадим ва буюк ўзбек кўшиқчилиги
санъатида қутилмаган янги саҳифалар
очди. Ўз ижро услуби ва бетакрор ово-
зи билан мактаб яратди. Бу мактабдан
не бир санъаткор етишиб чиқмади дей-
сиз, ҳали неча-неча авлодлар баҳраманд
бўлишлариға ҳам ишонамиз.

У кўшиқ ичида мўъжизавий кўшиқ
ярағида. Унинг ҳар бир йирик концерти

чик ҳақиқат, лекин ширин ёлғон ёмон».
Ёки: «Энди инсон қадри ҳам аввалги-
ларга ўхшамас, кўнглум ичра дарду ғам
аввалгиларга ўхшамас...»

Тингловчи унинг кўшиқлариға шун-
чаки чапак чалмайди. Аксинча тушу-
ниб, англаб, юрагини қўшиб қарсақ ча-
лади. Юрак билан чалинган қарсақнинг
қадри баланд бўлади.

Истеъдод ўз қушандаси билан дунё-
ға келади. Истеъдодлиларға ҳаммиша
оғир, ҳаммиша азоб. Истеъдодни доимо
ҳасадгўйлар, кўролмас ғаламислар оч
қашқирдай қадамини пойлаб юрадилар.
Фурсат топилди дегунча ҳужум қилади-
лар. Бадном қилишға уринадилар.

Ҳофиз ҳам ана шундай ёвуз ва ғий-
батчи тўдаларға кўп марта дуч келди.
Санъатдан йироқ, ўртамиёнадан паст
кимсаларнинг беомон ҳужумлариға,
айрим амалдорларнинг тазйиқлариға
ва тақиқларға учради. Номи кўп вақт
«қора рўйхатлар»дан тушмади.

Машҳур санъаткор Бобомурод
Ҳамдамов ҳофиз ҳақида куюниб
шундай деган эди: «Эл севган бу улуғ
санъаткорни телевизорға чиқармаслик,
концерт заллариға қўймаслик мумкин.
Лекин мухлислари юрагидагини экран
ва саҳналарни тақиқлаб бўлмайди».
Шоир ёзганидек: «Булбул ўғай эрур
зоғлар орасида».

Уни «ўғай» деб билган кимсалар,
кейин санъати олдида қуллуқ қилдилар.
Катта саҳналардан жой бердилар. Тан
олдилар.

У ҳасадгўйлар билан олишмади,
ғаламис ғанимлариға, ҳар хил рўйхат-
ларға, асло парво қилмади. Амалдор-
ларнинг тазйиқидан, пўписасидан
чўчимади.

Лекин у жон-жонига пайванд бўлиб
кетган суюкли машғулот – кўшиқ
куйлашдан бир лаҳза ҳам тўхтамади.
Кўшиққа суянди, кўшиқдан куч-қудрат,
мадад олди. Ториини кўксига маҳкам
босиб, қаддини тик тутиб, бор овозда
мағрур куйлади:

*Дунёни қизганма мендан, азизим,
Мен сенинг кўчангдан
ўтмасман зинҳор,
Менинг бу оламда ўз айтар сўзим,
Ва ўзим сизинар мазорларим бор...
Дунёни қизганма мендан, азизим,
Қалбингни ёқмасин шубҳа ва сўроқ.
Мен ўзга манзилга тикканман кўзим,
У сенинг қулбандан
жуда ҳам йироқ...*

Яна бир дилбар кўшиғида шундай
нола қилди: «Дилимнинг рангини гул
билса бўлди, менинг кимлигимни эл
билса бўлди».

Маълумки, публицистика жанрида
матбуотнинг ҳозиржавоб, кескир, ўткир
ва теран мавзулари қаламға олинади.
Бизнинг ҳофиз ҳам санъатга кўшиқ
публицистикасини олиб кирди, уни
лирикаға ҳамоҳанг қилди. Масалан,
«Инсон» қасидаси бу барҳаёт кўшиққа
айланди:

*Собиту сайёрда
Инсон ўзинг, инсон ўзинг.
Мулки олам ичра бир
Ҳоқон ўзинг, султон ўзинг...*

У юксак маҳорат билан куйлаган
«Муқаддас аёл» кўшиғи аллақачон

АЗИЗИМ!..»



аёлга мадҳия бўлиб қолди. Бу мўътабар қўшиқсиз байрамлар татимайди:

*Сен барибир муқаддасан,
Муқаддас аёл!*

У хали-хануз қўшиқ излаб яшайди. Назаримда, ҳамон ўз қўшиғини топмагандай, қўшиқ ишида ёнади. Дарёю денгизлар сувдан, тоғлар қоялардан, тошу харсанглардан, боғлар ширин-шакар мевалардан тўймагани каби, у ҳам қўшиқдан, қўшиқ меҳридан асло тўйгани йўқ. У қўшиқ ижро этмайди. Балки қўшиқ ичида яшайди. Қўшиқ унинг ҳаёти.

Унинг юрагида битмас-туганмас қўшиқ захираси бор. Унинг қўшиқларида она еримиз, далаларимиз дарди бор. Заҳмат билан етиштирилаётган буғдой ва пахтанинг гарди бор. Зиёли, деҳқон, ишчи, ёшлар – ҳамманинг ўтли бир нафаси бор.

Ўзбекнинг ўзи бор, сўзи бор, мағрур овози бор, бетакрор ноласи бор, дарду қувончлари бор, баланд-баланд такрор авжлари бор.

У тоғлардай юксак қояларда, қир-адирларда мағрур туриб қўшиқ айтса, унинг ўтли нолалари водийларда акс садо беради. Водийлар, воҳаларда туриб куйласа, чўққилар, қоялар титрайди.

Хофизимиз қўшиқ санъатимизни анча юксакка кўтарди. Унинг турли мавзуларда куйлаган барҳаёт қўшиқлари ҳодисага айланди, воқеа бўлди. «Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор».

Унинг ниҳоятда сермахсул, серқирра, хирмони баланд ижоди ҳақида батафсил ёзишнинг сираям имкони йўқ. Улар жилд-жилд китобларга айланиши муқаррар. Кунлар келиб, бу эзгу ишга ҳам қайтармиз.

Каминадан баъзан «фамилиянгиз бир хил, исмилингиз уйқаш, машхур ҳофизга ким бўласиз», деб сўрашади. «Оддий мухлис», – деб жавоб бераман.

Ҳақиқатан ҳам хофиз санъатининг мухлисларидан бириман. Матбуотда ишлаган кезларда, унинг ўзи ва қўшиқлари ҳақида кўплаб мақолалар ва суҳбатларни эълон қилганмиз. Баъзан ўртамазда андак баҳс-мунозаралар бўлгани ҳам рост. Булар «учинчи одам»ларнинг хизматлари эди. Лекин инсоний муносабатларимиз ҳамини юксак ва самимий бўлган.

Шу кунларда машхур хофизнинг бироз бемор эканлиги ва Туркияда даволанаётгани ҳақида интернетда турли хабарлар ва миш-мишларнинг тарқалаётгани ҳам бор гап. Ҳозир интернет балосидан қочиб-кутулиб бўлмайди. У коронавирусдан ҳам хавфли...

Бир суҳбатимизда хофизимиз: «Ҳар тонг намозимда улуғ устозларим Комилжон Отаниёзов, Маъмуржон Узоқовнинг руҳи покларига дуолар қиламан», деган эди.

Келинг, азиз қўшиқ мухлислари, севимли, ардокли хофизимизга Аллоҳдан мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва янги қўшиқлар ижод қилишини сўраб дуолар қилайлик. Тезроқ тузалинг, хофизимиз. Сизни концерт заллари ва мухлислар қалбидаги соғинч саҳналари орзиқиб кутаётир...

Ашурали Жўраев,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

ЯНГИ АЛИФБО ЛОЙИҲАСИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси портали (regulation.gov.uz)да Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонунига ўзгартиришлар киритишга оид қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Лойиҳага қўра, Ўзбекистон Республикасида лотин ёзувига асосланган, 28 ҳарф ва 1 та ҳарфлар бирикмасидан иборат янги ўзбек алифбоси тақлиф этилмоқда.

Айни вақтда амалда бўлган лотин ёзувига асосланган алифбомизга асосан куйидаги ўзгаришлар тақлиф этилмоқда:

Кирилл алифбосида	Амалдаги алифбода	Лойиҳадаги алифбода
Ғ ғ	G' g'	Ġ ġ
Ў ў	O' o'	Ō ō
Ш ш	Sh sh	Ş ş
Ч ч	Ch ch	Ç ç

Муҳокама 31 мартга қадар давом этади.

Lotincha			Kirill	Lotincha			Kirill
Bosma	Yozmasi	Talaffuzi	Harflar	Bosma	Yozmasi	Talaffuzi	Harflar
A a	Aa	a	А а	Ō ō	Ōō	ō	Ў ў
B b	Bb	be	Б б	P p	Pp	pe	П п
D d	Dd	de	Д д	Q q	Qq	qe	Қ қ
E e	Ee	e	Э э	R r	Rr	re	Р р
F f	Ff	fe	Ф ф	S s	Ss	se	С с
G g	Gg	ge	Г г	Ş ş	Şş	şe	Ш ш
Ġ ġ	Ġġ	ġe	Ғ ғ	Ç ç	Çç	çe	Ч ч
H h	Hh	he	Х х	T t	Tt	te	Т т
I i	Ii	i	И и	U u	Uu	u	У у
J j	Jj	je	Ж ж	V v	Vv	ve	В в
K k	Kk	ke	К к	X x	Xx	xe	Х х
L l	Ll	le	Л л	Y y	Yy	ye	Й й
M m	Mm	me	М м	Z z	Zz	ze	З з
N n	Nn	ne	Н н	ng	ng	nge	нг
O o	Oo	o	О о	,	,	Tutuq b.	Ъ

МЎЪЖИЗА ҚАНДАЙ ЯРАТИЛГАН?

« Японияда бошланғич синфларга то олтинчи синфгача «Ахлоқ томон йўл» дастури асосида дарс ўтишар экан. Бунда ўқувчилар фақат ахлоқ ва кишилар билан муомалани ўрганишар экан.

✓ Биринчи синфдан учинчи синфгача имтиҳон бўлмас экан. Чунки бу вақтда мақсад тарбия қилиш, тушунчаларни ундириш ва шахсиятни шакллантириш бўлар экан.

✓ Японлар бой бўлишига қарамадан уларда хизматкорлар йўқ экан. Уй ва болаларга ота-она масъул экан.

✓ Япон ўқувчилари устозлари билан бирга ҳар куни 25 дақиқа мактабни тозалаш билан шуғулланишар экан. Бу уларни тозалikka харис бўлиб, камтар ўсишларига ёрдам берар экан.

✓ Япон ўқувчилари мактабга ўзлари билан зарарсизлантирилган тиш чўткасини олиб боришар экан. Овқатдан

сўнг тишларини ювишар экан. Улар ёшлиқдан саломатликларига эътиборли бўлишга кўниктирилар экан.

✓ Мактаб мудирлари ўқувчилардан ярим соат олдин овқатланишар экан. Бу билан овқат болаларга зарар берадими йўқми, шуни аниқлаб беришар экан. Улар ўқувчиларни Япония келажаги деб билишар, уларни ҳимоя қилиш лозим деб эътиқод қилишар экан.

✓ Японияда фаррошларни «саломатлик муҳандислари» дейишар экан. Улар 5000 дан 8000 долларгача маош олишар экан. Уларни ишга олишдан олдин ёзма ва оғзаки имтиҳондан ўтказишар экан.

✓ Японияда поезднинг кечикиш ўлчами йилида 7 сония экан. Улар учун вақт жуда қийматли экан. Сония ва дақиқаларга ўта диққатли экан улар.

✓ Агар япон ошхоналарига борсанг уларни ўзига етарли овқат олаётганини кўрасан. Улардан овқат ортиб қолмас экан.



«ЮРАГИМНИ ЭЗВОРДИНГ, ЭЙ ТРРР, ОППО...»

ёхуд тирқишдан мўралаётган «оммавий маданият»

Форобий бобомиз айтганларидек, жамиятимизни фозил одамлар шахрига айлантира олсакки бизга ҳеч қандай хавф соя сололмайди. Бунга эришиш учун қанчалик сийқаси чиққан сўз бўлмасин, маънавият зарур. Яқинда Президент раислигида маънавий-маърифий ишларга бағишлаб ўтказилган йиғилишда ҳам бу бот-бот таъкидланди. Бугун янги ҳаёт қуриш, ривожланган давлатлар қаторига чиқиш йўлидан бораётган мамлакатимизда миллий ғоя масаласи жуда муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Нурнинг Шарқдан чиқиши-ни инobatга оладиган бўлсак, маънавий юксалиш жараёни биз учун янгилик эмас. Ўрта асрда яшаган бобокалонларимиз тиббиётда ҳам, илм-фанда ҳам, таълимда ҳам, адолат учун курашишда ҳам буни намoён қилиб бўлишган. Аслини олганда, биз бугун «кимларга»дир эргашиш эмас, кимларнидир эргаштириш палласида турган бўлишимиз зарур. Бизга мусика санъатини «ўргатаман» деганларга, боболаримизнинг мусика билан беморлар дардига даво топганини уқтира олишимиз керак. Бизга адабиёт, сўз санъати қандай бўлишини кўрсатаман дегувчиларга Алишер Навоий бобомизнинг куввайи ҳофизасида сақланган соф ўзбекча сўзлар салмоғини эслатиб кўйишимиз шарт. Мода ва кийиниш маданиятида ҳам Осиё пахта ва ипак матолардаги кийимлари билан катта шухрат қозонган.

Ёшлар эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи эканлигини барчамиз яхши билсак-да, бошқаларнинг бундан «унумлироқ фойдаланиши»га кўйиб бераётганимиз ачинарли, албатта. Кўйиб берсанг бошқалар бундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиши тайин. Буни жамиятимизга суқулиб киришга уринаётган «оммавий маданият» мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Аввалига беозор мушукчадек бўлиб кўриниб, пинжингизга кириб оладиган «оммавий маданият» сизни ўзига тамомила ўргатиб олгандан сўнггина асл мақсадини намoён қила бошлайди. Илк миссияси қалбингизни «бўшатиб», сиз учун азиз ва қадрли бўлган барча нарсаларни сиздан йироқлаштиришга тушади. Шундагина унинг асосий муддаоси очиқ-ошкора намoён бўлади. Унга асир бўлган дил уйингиз ўз анъана ва одатларини ўзга бир ғайритабиий анъаналарга алмашиб кўяётганлигини сезмай ҳам қоласиз. Бугунги миллий эстрада санъатимизнинг айрим бўғинларида ўша ниқобдор «маданият»нинг бармоқ излари қолиб кетмоқда. Буни эстрада хонандаларимизнинг кўп асрлик миллий мусика санъатимиз салобатига мос тушмайдиган ирғишларлари-ю, алмойи-алжойи талаффузларидан ҳам пайқаш мумкин. Келинг, ана шундай кўшиқчи ва уларнинг кўшиқларидан намуналарни бироз мулоҳаза қилиб кўрайлик.

Шоу бизнес оламида «Беном» номи билан танилган гуруҳ йигитларининг «Қанийди сени» деб айтаётган кўшиғи матнига бир кулок тутинг-а:

«Қанийди сени кўрмаганимда, исминни ҳатто билмаганимда.

Қанийди бир тун ўйламай ётсам, унутсам сени уйғонганимда...»

«Шукур» деб куйлаётган «Уммон» гуруҳи эса кўшиқ айтишдан кўра ўз кун тартиби билан мухлисларни таништиратгандек гўё:

«Ўйгонаман эрталаб, яна ҳар кунги ҳолат. Юзимни ювиб, ичаман чой. Кечга қолиш мумкин эмас. Шошилиб кийиниб, яна қайтарилар ўтган бир неча он. Яна ўша автобекат. Ўтираман ўзим ёзган кўшигим тинглаб. Ҳозир 7:15 да келади бешта қиз, шу бекат тараф...»

Умидшоҳ ва Сабина ижросидаги «Умидшоҳдек бўлмайди» хонишини тинглаган ота-оналарнинг ичидан нималар ўтаётганлигини ўзларидан бўлак ҳеч ким билолмасам ҳам керак:

«Умидшоҳ:

Тенга тенг деганлардан қочинг, ёмонлардан асранг, писмиқлардан кўрқинг. Юраги наст бўлади, даст бўлади, хар-хар жон беради, хор бўлади вар-вар, кун ўтар. Реп эшитганлар ман учун унар. Қофияни ўйинчоқ...

Сабина:

Бу кечада жой борми? Нега энди бўлмайди? Умидшоҳдек зўр борми? Умидшоҳдек бўлмайди. Бу кечада жой борми? Нега энди бўлмайди? Бу реплардек зўр борми? Бу реплардек бўлмайди?...»

Хўш, бу нима? Миллатга, ўзликка, номусга тош отиш эмасми бу? Нега бу каби алмойи-алжойи айтимчилар урчиб бормоқда? Ҳаваскор хонанда кизимизнинг ўзлари таъкидлаганидек, бу реплардан ҳам баттари бўлмайди. Шу каби ҳиринг-ҳирингларни эшитиб улғайишнинг ўзи шармандалик-ку. Яна шу хонанданинг бир «кўшиғи»га эътибор қаратинг-а:

«Юртим борку дунёда Ўзбекистон аталур, меҳнатсевар халқи бор юртини қалбдан севган. Бог-роғларини йўқдир

ҳисоби, минг хил рангда гуллар чиқар заминидан, турли-туман, ширин-шакар мевалар униб чиқар тупроғидан...

Ўзбекистон бизнинг ватан, керак эмас ўзгаси,

Ўзбекистон бизнинг ватан, керак эмас бошқаси, бошқаси, бошқаси.

Ўзбекистон она диёр, Ўзбекистон жаннатмакон, Ўзбекистон мустақил юрт, Ўзбекистон, Ўзбекистон!»



Ана энди шоир «бисёр айтилганда рангсиздир калом», деганда нақадар ҳақ эканини билиб олаверинг. Чиндан ҳам сўз кадрини билмаган, юрт кадрини тушунмайди ҳам, тушунтиролмайдими ҳам.

Эсганда танамизга роҳат бағишлайдиган ёқимли шабадани халқимиз ел деб атайди, ўзбек миллий эстрадаси ана шу елдек дилларга сурур бағишлашини ҳам кўпчилигимиз яхши биламиз. Аммо бугунги кунда миллий эстрада ниқоби остида енгил-елпи хиргойи қилиб юрган «санъаткор»ларни бир сўз билан елвизаклар десак янглиш бўлмас. Шунини билиб кўйингки, ел ҳам, елвизак ҳам табиат унсурлари, бироқ қай бири фойдаю, қай биридан заҳмат етишини фарқлай билишимиз лозим. Бугун ўзларини шоҳ санаб олиб, ўзлари ўтирган шохни кесаётган ҳаваскорларимиз шунчалик кўпайиб кетдики, уларнинг кўшиқларидан атрофга зарарли вируслар тарқалиб, ҳавомизни захарлаётгандек, назаримда.

Аввало, Шоҳруҳхон ва «Божалар» гуруҳи ижросидаги «Таксидаман» дуэтини тинглаб кўринг, сўнгра фикримга кўшилиш ёки кўшилмасликни ўйлаб кўрарсиз:

Шоҳруҳхон:

«Дакки-дакки дум, юрак урма, кўнгил беоромда, нозу хиромда, гўзалим келганда. Дакки-дакки дум, юрак урма, хаёл у томонда, жоним омонда, севишим билганда...»

«Божалар» гуруҳи:

«Хўп-хўп, мана «Дамас»даман. Себзор йўллари таксидаман. Кўлларида «морозний», ўзим эса «осторожний», телефонда бақирворма «хўп-хўп». Сансан асалим, шакарим, юрагим, керагим, чаросим, гулнозим, асалим...»

Фаррух Комиловнинг «Эксклюзив окей нуқта уз» портали томонидан тақдим этилаётган «Мини-мини» хиргойиси:

«Одий сўзлардан кўшиқ ясаб, Ёқимли нолалар билан бўяб, Ҳис-туйғуда басталаб, Айтсам ҳам тушунмайсан...»нинг эса «Эркатош»ини тинглаб кўринг-да:

«Хей, севгилим, мани, эй тррр, оппо,

Юрагимни эзвординг, эй тррр, оппо.

Рози бўлмас экансан, эй тррр, оппо,

Обрўйимни тўқвординг, эй тррр, оппо.

Жон-жонимдан ўтди қийноқларинг сани,

Жон-жонимга теғди эркалинг сани.

Эркатош, эркатош, сани севиб ҳолим вой,

Эҳ, кўзларинг нега суздинг?..

Ҳаётимни сан буздинг...»

Ҳа, одамнинг ўзида озгина ҳамият бўлмаса қийин, бу нарсани ўргатиб ҳам бўлмайди. Мулоҳазаларимга қарши чиқиб, ахир мусикаси яхши-ку, рақсга тушса бўлади, устига-устак тўйбоп, дегувчиларга кўшиқ фақат куйдан иборат эмаслигини, куй ва сўз ошуфталигидан гўзал кўшиқлар яралишини эслатиб ўтмоқчиман. Яна кўшимча тарзда, биз шеърят мулкида султон бўлган боболарнинг авлодларимиз. Сўз борасида ғариблик бизларга ярашмайди, сўзни беҳурмат қилиш эса, боболар юзига оёқ кўйишдан ўзга нарса эмас, дегим келди. Зеро, билмаслик эмас, билишга интиласлик айб саналади. Билмапсизми, ўзингиздан битта оргикрок кўйлак кийиб йиртган санъаткорлардан маслаҳат олинг.

Бугун ўзларини осмондаги юлдузларга қиёслаётган ана шундай айрим «хонанда»лар ижросини бироз диққат билан тингласангиз, аслида улар зар қозонган қирқиб олинган юлдузчалардек мўрт эканлиги, бир момақалдирик гумбураб, шаррос ёмғир қуйса, не аҳволга тушишлари билиниб қолади. Тумтарок сўзлар, керакисиз такрорлар ва аралаш-қуралаш куйлар...

Фонограммани ўзига панох тутиб, жонли ижрони унутаётган «машхурлар», энг ачинарлиси, руҳни доволаш қудратига эга мусика маданияти бақир-чақирларга алмашишига «ҳисса» кўшаётганини билишармикан?! Ўзлари ёзган «шеър»га ўзларини ва ўзларига ўхшаганларни маҳлиё қилаётган куй ишқибозлари чиндан ҳам ўз халқи ва юртини ўзлари айтганидек сева олишса, аввало халқидан узр сўрашсин, сўнгра санъат деб аталмиш муқаддас сахнани тарк этиб, элпарварликларини исботлашсин. Ёки шу халқ номига ярашадиган ишинг этагидан тутишсин.

«Оммавий маданият» ниқобини тақиб олган беўхшов ғарб мусикасига берилиш, келиб чиқиши қамокхона ва маҳбуслар билан боғланиб кетган реп «санъати»нинг тасвирий таъсирига тушаётганлар болалигимда ўқиган «Тошбақа ва чаён» эртагини ёдимга солади. Аввалига, ўзини жозибатор қилиб кўрсатиб, сўнгина ўз домига тортиб кетувчи «оммавий маданият»нинг санъатимиз тирқишидан мўралаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Шундай экан, яқдил бўлсак, бир ёқадан бош чиқарсак ўша туйнукни беркитиш мумкин. Ўз-ўзимизни хурмат қилсак, ўзгалар илтифотига ўрин ҳам қолмайди. Зотан, давлат раҳбари Шавкат Мирзиёев юқорида айтилган йиғилишда таъкидлаганидек, «Биз яратаётган янги Ўзбекистоннинг мафқураси эзгулик, одамийлик, гуманизм ғояси бўлади. Биз мафқура деганда, аввало, фикр тарбиясини, миллий ва умуминсоний кадриятлар тарбиясини тушунамиз. Улар халқимизнинг неча минг йиллик ҳаётий тушунча ва кадриятларига асосланган».

Лобар КАРИМОВА,
ЎзЖОКУ сиёсий-ҳуқуқий
журналистика йўналиши
магистранти

МУҲАББАТНИНГ ИҚЛИМ ҲАВАСЛАРИ

Умр йўлдоши танлашда адашмадингиз, аслида хатолар ўзингизда!

« Табиатда йил фаслларининг ўзгариб туриши, ҳар бир фаслнинг ўзига хос такрорланмас гўзалликлари борлигини биламиз. Табиатдаги ўзгаришларни орзиқиб кутамиз, улардан завқланамиз. Лекин ўз руҳий оламимизда содир бўладиган ўзгаришларни кўра билмаймиз. Бу эса бизнинг ҳиссиётларимизга, оилавий ҳаётимизга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Тўлақонли севги-муҳаббатни хис этган ҳар бир инсон муҳаббатнинг бошланғич, алангаланган ва ўзаро хурмат боскичларини босиб ўтади. Бошланғич боскич ҳақиқий, истикболи порлок, бир умрлик соф муҳаббатнинг бошланиши ёки аксинча, шунчаки бир ҳавас бўлиши ёки умри қисқа севгининг бирор-бир кўриниши бўлиши мумкин. Биринчи боскич кўп кишиларда кузатилади ва иккинчи боскичга ўтмасдан сўниб қолади. Муҳаббатнинг бу боскичи эстетик дидимизга бирмунча тўғри келадиган, эстетик ва жинсий эҳтиёжларни қондириш (*жинсий яқинлик шарт эмас*) мумкин бўлган икки жинснинг маълум вақтгача бўлган ўзаро муносабати натижасида юзага келадиган ҳиссиётдир. Биринчи боскичнинг ўртача давом эттириш вақти ҳиссиётни бошдан кечираётган шахснинг ёшига, жинсига, ҳаёт тарзига, шахсий хулқ-атворида, шунингдек, бир қанча ташқи ва ички сабабларга боғлиқ бўлиб, баъзида ҳатто бир неча соатдан бир неча кунгача, бир неча йилгача давом этиши мумкин.

Бу ўринда сўз муҳаббатдаги фасллар ўзгариши, ундаги энг мураккаб ва хавфли бўлган иккинчи боскичдан учинчи боскичга ўтиш ҳақида боряпти. Ўтиш ҳар қандай давр учун маълум бир инкирозлар билан кечгани сабабли бу боскичда ҳам қатор қийинчиликларга, турмуш уринишларига рўбарў келиш мумкин. Оила қуриш пайтида икки томон ҳам бир-бирларини энг рисоладагидек деб караган бўлсалар, идеал, ҳаммадан ҳам энг... деб ўйлаган бўлсалар, кейинчалик оилавий ҳаёт кимнинг ким эканини

кўрсатади. Одамлар доимо бошқа одам олдида ижтимоий ниқобларни (*яхши бўлиш ниқоби*) ўзларига мослаштириб юролмайдилар. Қиз келин бўлишдан аввал ўзига қараб, энг гўзал хулқ-атвори кўрсатиб келган бўлса, йигит эса куёв бўлишдан олдин қизнинг кўнглини олиш, унга ёкиш учун одоби, эътибори, сўзи орқали киз қалбига кириб олган бўлса, оилавий ҳаёт бошланиб, вақт ўтгач кимнинг ким экани кўринади. Чунки айнан шу даврдан бошлаб севгилсини идеаллаштириб идрок қилишга мойиллик камайиб боради. Энди шахс қандай бўлса, шундайлигича, реал, аниқ ва холисона идрок қилинади. Меҳр-муҳаббатнинг йўналиши ўзгариб фарзандлар томонга оғади ва турмуш ўртоғига нисбатан эса камайиб боради.

Руҳий тўйиниш – эр-хотиннинг бир-бирдан тўйиб қолишидан, оиладаги турли икир-чикирлардан низолар келиб чиқа бошлайди.

Эр-хотин қанчалик ёш бўлса, бу давр шунчалик оғир ўтади. Ўзаро келишмовчиликлар кўпаяди. Уларнинг ёшлиги, ҳаётий тажрибаларининг йўқлиги оқибатида «муҳаббатимиз ўлди» ёки «муҳаббатда, умр йўлдоши танлашда адашдим, мен ҳали ёшман хатоимни тўғрилаб оламан», деб оилавий ёнғинни аланга олдириш билан аҳвол янада оғирлашади. Куёв ўзича: «Кўча тўла хотин», – деса, келин: «Эр қуриб қолибдими, кўчага чиксам сон мингта эр, хоҳласам эртагаёқ биронтасига тегиб оламан», – деган ҳаёлга бориши мумкин. Натижада тўйинишга учраган ҳиссиётлар ва ўзаро

муносабатларни руҳий жиҳатдан таҳлил қилиб, тўғри хулоса чиқариш ўрнига салбий муносабатлар юзага келади ва икки ёш ҳам бу муносабатнинг қулига айланиб қолади.

Бунда, албатта, келин ёки куёвнинг ота-онасидаги камчиликлар, дўсти ёки қариндошининг тўйдан аввал огоҳлантиргани ёки тўйдан олдин севишганлар орасида бўлиб ўтган майда-чуйда гаплар куёв ва келин маълумотидаги тафовутлар: «Саводсиз бўлмаса шу ишни қилармиди?», «Олий маълумотли хотин олгандан кўра уйланмасдан ўтган яхши»; ёш орасидаги тафовутлари: «Хотининг педагог бўлса, бир умр тарбиялайди», «Эринг санъаткор бўлса, оилавий ҳаётинг саҳнага айланади, хотининг санъаткор бўлса, вафосизлик соя каби ажралмайди»; миллий тафовутлар: «Ўз миллатдошим билан турмуш қурганимда шундай хорланмас эдим»; ота-онага алоқадорлик: «пияниста отанинг ўғли ким бўларди?», «ит эмганига тортади» ва шу каби ўзини оқлаб, бор гуноҳни умр йўлдошига ағдаришга интилиш салбий муносабатларнинг шаклланишига имкон яратади.

Бундай муносабат шакллангандан сўнг оилавий ҳаётдаги ҳар қандай келишмовчилик ва низолар худди шу муносабат заминидан ҳосил бўлаётгандек идрок этилади. Бу муносабатга алоқадор бўлмаган воқеалар хотирада сақланмайди, унга алоқадорлар эса узоқ муддатгача хотирада сақланиб қолади. Ундан сўнг эр-хотин салбий муносабатлар қулига айланишади. Бу эса аста-секин оила пойдеворини емириб, унинг барбод бўлишига олиб келади. Энди ўзаро эр-хотинлар эмас, балки улар орасида юзага келган салбий муносабатларни курашади. Эр-хотин эса мазкур муносабатларнинг жасур жангчиларига айланади. Улар орасидаги жанг муҳаббат тамомила барбод бўлгунча давом этаверади. Лекин барча оилаларда ҳам ўтиш даври юқорида ифодалангандек кечавермайди.

Юқорида севишганлар ўртасидаги

салбий муносабат ва унинг оилавий муносабатга зарбасини айтиб ўтдик, холос. Аммо муносабатлар ижобий ҳам бўлади. Муҳаббатнинг биринчи боскичда ҳиссиётли инсон ижобий муносабатлар таъсирида ва айниқса, иккинчи боскичда ўзининг юқори нуқтасига етади. Аммо баъзи эр-хотинлар (*кўпинча аёлларда*) учинчи боскичга ўтишда ва ўтгандан сўнг атрофдаги эр-хотинларга ҳавас билан қарайдилар, уларни ўз эрларига ўрнак қилиб кўрсата бошлайдилар. Бунда аксарият аёл кишининг ўз ҳаётига холисона кўз билан қарамасдан чиқарган хулосалари устунлик қилади. Бундай аёл ва эркак ўз эри ёки хотинига уларнинг ҳамкасблари, дўстлари, таниш-билишлари кўзи билан қараб кўришлари керак. Шунда улар ўз умр йўлдошида қанчадан-қанча ижобий хислатларни кўради, улардан бошқаларда бўлмаган, бироқ ўзлари кадрлай билмаган қимматли томонларни топади.

Халқимизда «олдингдан оққан сувнинг кадри йўқ», деган мақол бор. Бу, энг аввало, оилавий ҳаётга, эр-хотин ўртасидаги муносабатларга тааллуқлидир. Шунинг учун доимо ўртадаги севги-муҳаббатнинг кадр-қимматини арзимаган сабабларга кўра йўқолишига йўл қўймаслик, кўнгилсизликларнинг олдини олиб яшаш керак. Акс ҳолда, кейинги афсус ва пушаймонлар бир умр руҳий азоб беришини, йўл қўйилган бу хатони бир умр тузатиб бўлмаслигини ёддан чиқармаслик керак.

Ҳаёт мураккаб жараён, унда нималар бўлмайди, дейсиз. Арзимас сабаблардан жанжал чиқаришга, уни авж олдиришга ҳаракат қилмаслик керак.

Бизда «эр-хотиннинг уриши – дока рўмолнинг қуриши», деган ибратли гап бор. Хусусан, ўртада фарзандлар дунёга келгандан кейин жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Барбод бўлаётган муҳаббат туйғусини ҳеч бўлмаганда норасида гўдаклар хурмати учун, улар тақдирини ўйлаб ҳам асраб қолиш шарт. Лоақал оила сақлаб қолинмаганида ҳам севги-муҳаббат ҳисларининг нафратга айланиб кетмаслигига йўл қўймаслик зарур.

Оилавий ҳаётдаги хурсандчиликларни, ўтиб кетган ширин дамларни, илиқ муносабатларни эслаш ҳам арзимас низоларни рўёбга чиқилишининг олдини олади. Бу ўринда эр-хотин бир-бирларининг хулқ-атворларидаги ижобий хусусиятларини эслаб туришлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг эслатиб ўтиш кераки, муҳаббатнинг иккинчи – алангаланган боскичи умрини узайтиришга, ўзаро хурмат боскичига инкирозсиз, низоларсиз ўтишга ёшларни тайёрлаш зарур. Бу эса оиланинг тотув яшашига ёрдам беради. Бунинг зарурий шартлари ўта маданиятли бўлиш, оилавий турмушга ижодий ёндашишдир.

Умуман оилавий ҳаётда, жумладан, ёш оилаларда келишмовчиликларга, қўйди-чиқдиларга олиб келувчи сабаблар кўп. Улар орасида рашк, кизғаниш, ўзини жуфти олдида камситилгандек хис этиш, ишсизлик, танбаллик, агрессивлик, норасолик, эркакларда эътибордан узоқда бўлганлик хисси (*аёли фарзанди, гўдаги билан буткул банд бўлганида*), аёлларда уйда ўтирганда уй юмушларининг бир хиллигидан зериктиш хисси кабиларни ва бунинг оқибатида юзага келадиган хиёнат, никоҳдан ташқари муносабатлар, иккинчи никоҳ кабиларни келтириш мумкин. Шунинг учун ҳам оилавий ҳаётда психологик билимларни ўрганиш, турмуш ўртоғини ўзи учун энг азиз ва ардоқли деб қараш хиссини ҳар бир оила аъзоси ўзида таркиб топтириб бориши фойдадан холи эмас.

ДОКТОРАНТ КУНДАЛИГИ

БЕДОР БЎЛИНГ!

« Ўсмир фарзанднинг китобга термулиши – унинг дангасалигидан эмас, уй ишларида бирга кўмаклашинг. Келин ёки куёвнинг китоб билан бирга бўлиши – уларнинг дангасалигидан эмас, уларга эркинлик беринг, унинг катталари! Эртага уйингизга наслингизнинг баркамол давомчиси келади.

Жисман бир жойда банд бўлиш орқали ақлий меҳнатни давом эттириш ҳам мумкинми? Мумкин, айтайлик, тинч жойда шовқинсиз қўл меҳнати билан банд бўлиб, кулоқ орқали эшитиб ин-формация олиш мумкин. Ёки яратиш ҳам мумкин. Ай-

тайлик, Абдурахмон Жомий ҳаммомга бориб қайтгулик вақтда «Юсуф ва Зулайҳо» достонининг 200 байтини яратган. Лекин бундай нодир истеъдод ҳаммага ҳам насиб қилмайди.

Берилиб ишлаётган эдим, бугуннинг ўзида хонадо-

нимизга уч марта «коммуналчилар» келиб кетди. Юришаверади-да, тўлиқ онлайн режимга ўтмагунча чўзилиб...

Кундузи ишхонада нимадир яратиш имкони умуман йўқ. Айниқса, университетларга ҳар куни келадиган аллақандай қарорларга мос тадбир ўтказиш жараёни, жадваллар тўлдириш билан овозагарчилик... Илмий, ижодий иш учун энг қулай пайт тун ярми ҳисобланади. Қолаверса, сизнинг бедорлигингиз ўзгалар учун фойда келтириши мумкин. Про-



фессор Баҳодир Саримсоков тунги илмий тадқиқотлар билан овоза пайтларида қўшнисиникига қираётган ўғрини пайқаб қолиб, талон-тарожнинг олдини олган, яна бир сафар кўшни хонадондаги ёнғин хавфини бартараф қилган экан...

Ҳа, тунги илмининг файзи бошқача. Илмингизга барака берсин, Ўзи!

t.me/olamichra2121

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Сурхондарё филиали жамоаси



UZTELECOM

Барча юртдошларимизни ҳамда меҳнат
жамоаларини яшариш ва янгилашни айёми –
Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга
қут-барақа, юртимиз равнақи йўлидаги барча
ишларингизга омадлар тилайди!

Чечаклар қошлади анҳор бўйини,
Дарёда бошланди суқсур ўйини,
Қирларга чўшон ҳам ёйди қўйини,
Ҳар ерда кўрамиз меҳнат тўйини,
Лоладан сеп ёйиб келди гулбахор...

Наврўз муборак бўлсин, азизлар!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

UZTELECOM АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*Жаннатмакон Ўзбекистон аҳлини
шодиёналар айёми, яшариш
ва янгилашни фасли –
Наврўзи олам билан
муборакбод этади!*



*Диёримиз узра Наврўз нашидаси кезмоқда.
Қиш либосини ечган борлиқ ўз гўзаллигини
кўз-кўз қилмоқчидек турфа рангда
жилоланади. Қут-барака, эзгулик, меҳр ва
мурувват, одамийлик ва оқибат айёми –
Наврўз дилларни сурур ва умидга тўлдиради.*

*Ҳаёт абадийдир. Ҳаёт – ганимат,
Довул қоқар жарчи, бонг урар Наврўз.
Не чоғ сеҳргарсан, она табиат,
Ҳар бир ҳужайрада ёқасан юлдуз...*

*Барча хонадонга Наврўз билан бирга
олам-олам қувонч кирсин, юрт
фаровон бўлаверсин!*

Қорақалпоғистон Республикаси Бўзатов тумани ҳокимлиги Жамоаси

*Гўзал ва жаннатмонанд ўлкамиз аҳлини янгилашиш ва
яшариш фасли бўлмиш Наврўз айёми билан самимий
муборакбод этади!*

*Эл-улус «Тўрт фаслнинг танҳо маликаси сен,
тугал гўзалликнинг ниҳояси сен» дея
мадҳ этганидек, юртимиз боғу-роғларида
бу фасл нафаси кезиб юрибди.*

*Бир маҳаллар қорақалпоқ шеъриятининг ёрқин юлдузи
Ажиниёз Кўсибой ўгли «Ер ҳам эл биландир, эл ҳам ер билан,
Ерсиз элнинг умри дарбадар билан, Умри ўтар юракдаги
шер билан, Бизга сенинг қадринг ўтди, Бўзатов»
дея нола чеккан эди. Бугун эса катта майдонда
ястаниб ётган, чек-чегараси йўқ Бўзатов тумани
тобора яшнаб, кўркамлашиб бормоқда. Бу қадим
манзил бунёдкорликлар ўчоғига айланган.
Олис овул-аймоқ ва кўрғонларида умргузаронлик
қилаётган меҳнат аҳли кўклам байрамини
зўр қувончу, шод-хуррамлик ила кутиб
олиш тараддудида.*

*Еру самовотда Наврўз нафаси,
Боғу бўстонларда андалиб саси,
Бу нафас, бу саснинг йўқ муқояси.
Қайта кетмас бўлиб*

келдингми, баҳор?..

**Assalom,
Navro'z!**

Ҳар кунингиз Наврўз бўлсин, азизлар!



«ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Ўзбекистонда истиқомат қилаётган кўп миллатли
халқимизни баҳорнинг энг гўзал айёми бўлган
Наврўзи олам билан самимий қутлайди!*

*Тириклик нашидаси, баҳор тароватини етакловчи гўзал
ва жозибали Наврўз байрами хонадонларга бахт-саодат,
қувонч, тинчлик-осойишталик олиб келсин. Доимо
ризқингиз бутун, дастурхонингиз тўкин-сочин бўлишини
тилаймиз, азиз ватандошлар!*

*Минг торли соз каби сасланар Инсон
Наврўзий саболар оҳангида маст.
Тонггача баҳорий завқ ичра жаҳон
Бир қучоқ гулдаста бўлса ажабмас...*

Байрам муборак бўлсин, азизлар!



Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ҳокимлиги

жамоаси ҳамда туман аҳли

**Халқимизни яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўз
айёми билан чин кўнгилдан муборакбод этади!**

**Бутун борлиқ гуллаб-яшнаган, сахий қуёш заррин нурлари
билан оламни нурафшон этаётган шу кунларда барча
юртдошларимизга эзгу ниятларимизни билдириб, келгуси
ишларида равнақ, мустаҳкам соғлиқ, хонадонига
тинчлик-тотувлик, дастурхонига қут-барака тилайди!**

**Хур-хур еллар ҳуриллаб,
Турналар «қур-қур»иллаб,
Ўзбегим тупроғига
Наврўз келди гуриллаб.
Алёр, алёр! Ол бўлсин!**



Наврўз қутлуғ бўлсин, юртдошлар!

«Кегейлимахсуссувпудрат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

*Мамлакатимиз аҳлини, лафзи ҳалол зироатчию
чорвадорларни, саноатчи ва тадбиркорларни,
маърифатпарвар олиму ижодкорларини –
барча-барчани «замин шифокорлари»
номидан Наврӯз айёми билан муборакбод этади!
Халқимиз Наврӯзни азал-азалдан, минг йиллар
давомида, «Авесто» замонларидан буён сақланиб
ва эъзозланиб келаётган, инсон ва табиат
уйғунлиги рамзи бўлган умумхалқ
байрами сифатида қадрлайди.*

*Баҳор келса, бошланур боғда булбул хониши,
Саъва, қумри нағмаси, суралай товланиши.
Қирларда лола сайли, қишлоқларда йилбоши:
Тўхтагай табиатдан ҳаққушлар зорланиши,
Баҳор, кетма менинг боғимдан...*

*Кўҳна Наврӯз юртимизнинг
ҳар гўшасига тўкин-сочинлик,
қут-барака баҳи этсин.*

Байрам муборак, азизлар!

ЗАЛВОРЛИ ЮК

Ота-оналик юки оғир экан. Фарзандларимизнинг гўдаклигидаги бедор тунлар, беморликларидagi ҳаловатсизликлар бу юкнинг бир заррагинаси экан холос. Ахир чақалоғимиз тузалиши, тинчланиши ёки уйкуга кетиши биланок у зарра елкамиздан учади-кетади.

Юкнинг ҳақиқий залвори улар кўз олдимишдан узоклашиб тенгдошлари сафига кирганида билина бошлайди. Уйдამисиз, ишдамисиз – фикру хаёлингиз унда бўлади: «Ўртоқлари тузукмикан?», «Ёмон йўлларга бошламаяптимикиан?», «Ҳаяллаб қолди, тинчликмикан?». Тўғри йўлда собит қолсин, бўш вақти қолмасин деб қўлига изма-из китоб тута бошлайсиз, тўгаракларга банд этасиз... Панд-насихатларингизни-ку адоғи бўлмайди: «Ундай бўлма, бундай бўл», «У йўл ногўғри, мана буниси тўғри»... Айниқса, XXI аср имкониятлари дея мақтанадиганимиз ахборот технологиялари ва интернет ҳаётимизни тобора қамраб олаётгани (*ахир ишларимиз усиз битмаяпти-да*), қарамлигимиз баробарида юкимизнинг тошини оширса оширяптики, асло қамайтираётгани йўқ. Ахир ёнма-ён дўстларидан ҳар қанча ҳимоялаганимиз билан онлайн дўстларини, онлайн кириб бораётган ҳар саҳифани назорат қила олмаймиш-да. Бу ҳавонинг тарқалишини назорат этиш билан баробардир. Шундай бўлса-да интернет тўрига тушиб қолмаслик йўлларини ўргатган бўламыз, унинг домига ўралиб қолганларнинг қисматини келтирамиз, текин куйрук қопқонда бўлишини уқтирамиз.

Хуллас, барча саъй-ҳаракатларимиздан мақсад – пушти камаримиз, кўзимизнинг оқу қораси, наслимизнинг давомчиси бўлмиш дилбандларимизни асраб авайлаш, эл-юртга, Ваганга муносиб фарзанд қилиш, оппоқ шаънига доғ туширмасликдир. Ҳеч кимнинг бошига тушмасину, агар устомонлар фарзандингизни ўз йўриғига сеҳрлаб олиб, эзгулик либосидаги жаҳолат сари бошласа, ёмонотлик қилса борми?.. Унинг шаънига теккан қора доғ волидаю падарининг дилига тушади! Энг ёмони – бу доғ абадийдир, у ювилмас, кетмас, аксинча вужудни ич-ичидан муттасил кемириб боради ва қулатади!

Яқинда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусикали театрида «Дилдаги доғ» спектаклини кўриш асносида бунга яна бир бор амин бўлдим. Мени хавотирга солаётган юкнинг залвори ўйлаганимдан-да оғирлигини ва бу масъулият бежиз ботинимдан бот-бот садо бермаётганини ич-ичимдан ҳис қилдим. Журналист, шоир, драматург Қўчқор Норқобил асари асосида сахналаштирилган ушбу спектакль интернет тўрига тушган фарзанднинг тақдири, унга «ҳисса» қўшувчи омиллар ва бу холдан ота-онанинг не қўйларга тушишини шу қадар жонли тасвирладики, ушбу бир ярим соатлик дарс мобайнида биз ва жигаргўшамиз минг кунлик куруқ насихатдан кўра самарали сабоқ олишимиз аниқ!

Келинг, қисқача баён қилай.

ЁЛГИЗИМИ, ЁВУЗИМИ?

Раҳим ака ва Муниса опа ўн йил деганда фарзанд кўришди, тилаб олганлари учун исмини ҳам Ёлғиз деб қўйишди. Оқ ювиб-оқ тарашди.

Ёлғиз олий маълумот олди. Университетни тугатгач, заводда ишлай бошлади. Оқкўнгил, содда, ишонувчан йигит ана шу пайтда экстремистик тўданинг назарига тушди. Улар олижаноб кўриниши билан Ёлғизнинг кўнглидан

жой олганига ишонч ҳосил қилишгач, келишган, бақувват номзодни ҳар томонлама ўзларига ўраб-чирмаб олиш учун устаси фаранг Камилла билан интернет орқали таништириб қўйишди. Манфур тўдани бўлмиш Камилланинг асосий вазифаси аслида ижтимоий тармоқлар орқали содда инсонларни топиш ва «ўлдим-қуйдим»лаб уларнинг нозик ҳис-туйғуларини банд этиб, ўзига қарам қилишдир. Онлайн «дарча» орқали изҳор этилган мойдай сўзлар ва нағмалардан севги дардига мубтало бўлган йигитлар унинг: «Ёнимга келсанг, турмуш қуриб, ҳашаматли уй-жойларда дангиллама ҳаёт кечирамиз, ота-онанга ҳар ойда яхшигина маош юборамиз» деганига ишониб, ҳайю-хуйт деб Россиянинг Уфа шаҳри сари йўл тортишар эди. Бахтли оила қуриш орзусида бу ерга келган навқирон йигитлар аслида Камилланинг навбатдаги топшириғини итоатқорона бажаришади – махсус лагерга бориш олдидан психологик тайёрланишади, чиркин мақсад сари бирлашади.

Ёлғиз ҳам сарвқоматнинг тузоғига тушди-қолди. Ота-онасига: «Янги шерикларимиз билан шартнома имзолаб келаман» дея Уфа сари йўл олди. Бу ёқда Раҳим ака ва Муниса опа «Ўғлимиз кўлидан иш кела бошлабди, раҳбариятнинг ишончига сазовор бўлибди», дея суюнганча, қўшни қиз билан ўғилларининг бошини бойлаб қўйишди.

Лекин... саккиз ой ўтса ҳамки ўғилнинг қораси кўринмасди. Камига ҳамқишлоғи, Ёлғизнинг дўсти-қадрдони Холли далли (девона) дам-бадам келиб фалончи тўй қилаётгани ҳақидаги хабар билан уларнинг шундоғам соғинчдан ва кечикаётган никоҳдан пажмурда юракларини хуфтон этиб кетарди. Хуфтон бўлишмасинми, аввалига қўнғироқлашиб турган ўғил, мана дом-дараксиз. На хати, на хабари бор. Ота-онанинг кўзида уйқу, еганида маза йўқ. Мана бугунам Раҳим ака қаттиқ чўчиб уйғонди! Ўзига келар-келмас кўча эшиги тақиллади. Қудаси Санобар экан, ранг-кути учганча деди: «Фотиҳани бузамиз, милицияда ишлайдиган укамдан Ёлғиз ҳақида нохуш хабар эшитдик...»

Эру хотиннинг хангу мангликларининг устига ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораси ходимлари (*ортларидан Холли ҳам*) кириб келишиб, Ёлғиз Турсунов диний экстремистик тўдага қўшилиб қолганини, юртимизда кўпорувчилик қилиш, халқимиз ҳаётига чанг солиш учун ярамас ва иблис тўдалар гуруҳига қўшилиб хорижда юрганини маълум қилишди...

Раҳим ака инграб юборди. Муниса уввос тортиб йиғлай бошлади...

Спектаклнинг юракларни ларзага солувчи, сабоқлари билан кўзимизни очувчи чинакам кульминацион нуқтаси мана шу ердан бошланади. Осмондек орзулари чилпарчин бўлган ота-онанинг нидолари диалоглар орқали мохирона очиб борилаверадики, уларга қўшилиб дард тортмасликнинг иложи йўқ. Айниқса персонажларнинг арияларини тинглар экансиз, беихтиёр томоша залини тарқ этиб, тезроқ фарзандингизнинг ёнига боришга, уни ҳар томонлама ҳимоялашга ҳозирданок киришгингиз келади. Бундан муҳим ташвишингиз йўқлигига иқрор бўласиз.

Она барибир она-да, ёлғизи эгри йўлдалигининг исботини орган ходими суратлар билан кўрсатган бўлса ҳам мўмин-қобил, қўй оғзидан чўп олмаган фарзандининг бундай номардликни тутишига ишонмади:

Йўқ! Менинг болам, Ёлғизим бундай қилиши мумкин эмас!..

Сўнг хавотирдан йиғлай бошлайди, ота эса кўксини чангаллаб йиқилади.



ЎЛГАНМАН,

ёхуд «Дилдаги доғ»



Муниса опа:

Ишонманг, дадаси, ишонманг асло
Бошланманг олдиндан хавфу хатарни...

Раҳим ака:

Онаси, ҳеч қачон кечирмас дунё
Юртфуруши тарбия қилган падарни...

Ёзувчининг маҳорати шундаки, диалоглар қулғимизга чалиниб келган ва биз ўрганиб қолган такрорий сўзлардан эмас, қисқа ва оригинал тасвирлар асосида тузилган.

Ёки мана бу пардага эътибор беринг.

Раҳим ака сочлари оқарган, ранги афтода. Асога суюнган қўйи куйидаги арияни қўйлайди:

Бир кун келар – Мен ўтарман!

Ота номим ўчсин, бола.

Ўз юртига қўл кўтарган

Қўлинг синиб тушсин, бола.

Сен шу юртдан, шундай юртдан,

Не ёмонлик кўрган эдинг?

Бола, ахир шу умидда

Сени катта қилганмидим?!

Бир кун катта бўлсанг, десам,

Эл қайғусин ейсан, десам.

Отасини еган бола,

Онасини еган бола!

Ўз юртини сотиш учун

Бу дунёга келган бола!

Шу тобда рамкага солинган суратни кўксига босиб Муниса опа келади. Мунгайиб турган эрига қараб аянчли илжайди. Йигирма ёшлар чамасидаги гўзал ва навқирон Ёлғизнинг жилмайиб тушган расмини эрига кўрсатади.

– Мана, мана менинг ўғлим. Болам Ёлғизим! Қаранг, Ёлғизим келди. Ёлғизимиз келди... (*беўхшиов ҳиринглаб қула бошлайди, чунки она жинни бўлиб қолган эди*).

Муниса сўнг томошабинларга қараб дейди (*мусиқа остида*):

Болангиз қаерда?

Болангиз қайда?

Қутяпман. Ловуллаб ёнмоқда ичим.

Мен каби бепарво она бор жойда

Суратга термулиб қолмасин ҳеч ким.

Болангиз қаерда?

Болангиз қайда?

Болангиз кўчада қолмасин...

Жинлар бор. Ва яна аллақаерда –

Шайтоннинг қўлига тушиб қолмасин.

Дунёга хушёрроқ қаранг, онажон,

Болангиз кўчада қолмасин ҳаргиз.

Ўлганман. Оёқда турганим ёлгон

Алданиб қолмасин нуридийдангиз.

У ҳаммага оғоҳликка чақирар ва мусиқа остида айтилган бундай насихатдан ўртанмаслик, уйғонмаслик мумкин эмас...

Яна ҳаммага суратни кўрсатиб, бир нуқтага тикилганича давом этади:

– Сизларнинг ҳам болаларингиз борми? Улар ҳозир қаерда? Уйдаими? Кўчадами? Кинодами? А, қаерда-а? Театрдами? Болаларингизни эҳтиёт қилинг! Жинлар, шайтонлар олиб кетиб қолишмасин!

Ўғилнинг доғида қуйиб телба бўлган онанинг бу ўтли оҳларини эшита туриб, дарҳол оиламга, фарзандларим ёнига

боришни, уларнинг ёнида бўлишни истадим. Гўёки менсиз бир муддатгина қолган зурриётларимни айна пайтда кимдир тузоғига туширмакка уринаётгандек!

Аслида театрнинг, жонли сахнанинг бошқа масканлардан устунлиги ва тарбиявий самардорлиги, таъсир кучи ана шунда! Инсон қалбига тез кириб боради ва мақсадга эришилади! Ахир ёлғизгина ўглининг эгри йўлидан телба бўлган аёлнинг қисмати кимни ларзага солмайди, кимнинг кўзини очмайди дейсиз?!

Энг ачинарлиси ҳали бу эмас. Гап шундаки, элнинг кўзига кўзи тушишидан қочиб, уйдан чиқолмай қолган Раҳим ака бироз чалғиш мақсадида боғ атрофини йиғиштириб, ўчоққа ўт ёқмоқчи бўлади. Шунда ўчоқ ичидан китоб, варақалар, ҳарита солинган юк-халта топиб олади.

Бу ҳақда дарҳол хабар бериш учун мишабни бошлаб келаман деб турганида тентираб, алжираб Холли келади. Унга қўшилиб келиб, супага чўқади. Холли яна маҳалла янгиликлари, тўйлар ҳақида гапириб, унинг куйган юрагини баттар алангалатади.

Раҳим ака чуқур уф тортади.
— Уф деманг тоға, уф деманг, — талсалли беради Холли

— Омборхонага ташлаб қўйдим, мишабни бошлаб келаман. Ҳик-хик-к-х-хх...

У бошқа гапиролмади, чунки Холли белидаги арқонини ечиб, уни бўғарди. Раҳим ака типирчилай-типирчилай жон берди. Шу топда Муниса келиб қолди. Вазиятни кўриб, қўрққанидан ортга тисарилади. Холли энди унинг ёнига бориб, бўйин томирига кафтининг қирраси билан зарб бериб ўлдирди...

Ҳайрон қоляпсизми? Спектакль бошидан хурмача қилиқларию гаплари билан томошабинни обдон кулдирган ва биз телба деб ўйлаганимиз Холли асло ақли ожиз, раҳм-шафқатга муҳтож инсон эмас, балки жиноий гуруҳнинг маҳалладаги «қулоқ»ларидан, энг муҳим фигураларидан бири бўлмиш соппа-соғ инсон эди. Шу боисдан ҳам унинг асл башараси очилганида томошабинлар ҳайратдан донг қотди!

ЮРАГИМДАГИ ОҒРИҚ ЭДИ

Кўчқор НОРҚОБИЛ,
драматург, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси аъзоси, сценарий муаллифи

— Бу мавзу олдиндан юрагимга оғриқ солиб турарди. Айниқса, ёшларни интернет орқали ўзига оғдириб оладиган,

ишни ҳатто ҳайвон ҳам қилмайди», деган азобли ҳайқириқдир.

Ишонасизми, бош ролларни ўйнаган Маъсуда опа ва Турғун ака, Ҳамид акага ич-ичимдан ачиниб кетаман, баъзида ўзимни койийман, буларнинг елкасига бундай оғир юк ташлаганим учун. Спектаклдан сўнг улар анча пайтгача ўзига келолмай туришади. Бу шунчаки йиғисиги, оҳ-воҳдан иборат асар эмас. Унда ижрочилар шунчаки рол ўйнамайди, балки яшайди.

МЕНИ ЙИҒЛАТГАН АЁЛ

Холисхон ЖАЛИЛОВА,
томошабин, ўқитувчи

— Муқимий театри менинг энг сеvimли театрларимдан. Чунки бу ерда ҳаёт бор! Ҳаётдан айроликни кўрмайман, спектакллари томоша қилаётган сахнадаги ҳаётга сингиб кетаман.

Айниқса, мусиқали ижролари томоша асносида тин олишга, ўйлашга мажбур қилади.

Мазкур сахна кадр-қимматининг сақланиб қолинишида театр жамоа-



Бу кимматбаҳо асар, уни барча кўриши керак, ота-оналар фарзанлари билан бирга кўриши керак, бирор бир мактаб ўқувчиси, талаба, ҳатто ҳеч ким қолмаслиги керак уни кўрмаган.

ХАЛҚАРО ЭЪТИРОФГА САЗОВОР

Фируза ХОЛИҚОВА,
Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри матбуот котиби

— Сарвар Юсупов мусиқаси асосидаги «Дилдаги доғ» мусиқали драма театри-миз директори, Ўзбекистон халқ артисти Мирза Азизов томонидан сахналаштирилган. Ролларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Турғун Бекназаров (ота), Ҳамид Тўхтаев (ота — иккинчи ижодий жамоада), Александр Бекжонов (маҳалла раиси), «Меҳнат шухрати» ордени соҳибаси Маъсуда Отажоновна (она), «Шухрат» медали соҳиби Расулхон Қодирхонов (Ёлғиз), Гулноза Саидова (Камилла) ҳамда Умид Шодмонов, Азиз Латипов, Ҳабибулла Ортиқов, Музаффар Ҳамидов (лейтенант), Илҳом



ОЁҚДА ТУРГАН ИМ ЁЛҒОН

спектакли томошасидан сўнгги ўйлар

Уф тортмай бўладими? — дейди Раҳим ака. — Ахир гуноҳимкорман. Гуноҳим — гумроҳлигим! Ваҳший йиртқични ўстирганим. Ундан кўра бир итни боқсам бўларди-ку, ён-атрофни кўриқлаб ётарди-ку... Тарбиялаган болам итчалик ҳам бўлмади-и-и. Элнинг кўзига қандай қарайман, иним. Ундан кўра икки кўзим оқиб тушса бўлмасми-ди... (чўккалаб, қўлларини мушт қилиб кўксига ура бошлайди, Холли қўшилиб йиғлаб, Раҳим аканинг қўлларини уқалайди). Сўнг давом этади: «Холливой, назаримда бу газандаларнинг шериклари бизнинг орамизда ҳам юрганга ўхшашпти».

— Бу нима деганингиз тоға? — чўчиб, атрофга аланглайди Холли.

Раҳим ака воқеани айтиб беради.

— Энди нима қиласиз? Сумка қаерда ҳозир?! — у энди Раҳим аканинг орқа томонига ўтиб елкасини уқалашга тушади.

«севги — муҳаббат» ўйини ортида яширинган жаҳолат, қанчалаб кишиларнинг ҳаётини вайрон қилаётган ёвуз кучларнинг кирдикорлари мени даҳшатга соларди.

Масалан, гўзаллик қиёфасидаги шайтон интернет орқали айрим йигитларни ўз қомига тортиб, сўнгра уларни ўз халқи ва Ваганига қарши боришга, тиғ кўтаришга, террорчи тўдаларга қўшилиб сотқинлик қилишга ундаши нақадар даҳшат эканини тасаввур қилиш қийин эмас.

Бу асар ҳаёлимда пишиб турган пайтда Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театри директори, халқ артисти Мирза Азизов қўнғироқ қилиб, ёшларни жиддий ўйлаётгани, ёвуз кучлардан огоҳ этувчи сахна асари керак бўлаётганини айтди. Ҳаёлида ўйлаб юрган воқеа-ҳодисаларни гапириб берди ва асарни ўзи сахналаштиришини айтди.

Айни муддао. Неча ойлардан бери ўйлаб юрган мавзунинг қоғозга тушиши. «Дилдаги доғ» — ақидапарастлар гирдобига тушиб қолган содда йигитлар, уларни ўз тўрига илиштириб, жангарилар қўлига топширадиган фахш йўриғидаги ёвуз аёллар, унинг кирдикорларидан сўнг содир бўлган воқеа ҳақида. Айниқса, бундай тўдага тушиб қолган йигитнинг ортида чирқиллаб қолган ота-онасининг аянчли тақдири, бошларига тушган кулфат, дил азоблари ўзимни ҳам қаттиқ изтиробга солади. Шўрлик ота-онани ярамас фарзандининг қасофати уриб кетади. Алал-оқибат волидаю падарни ҳам ўғил қўшилиб қолган тўданинг вакили ҳалок қилади.

Асарда айтмоқчи бўлганим — «Сен-ку кетдинг, лекин ортингда қолганларнинг ҳам ҳаётини вайрон этиб кетдинг, бу



сининг, истеъдодли актрисаларининг меҳнати бекиёс. Маъсуда Отажоновна мен билган, ролларини севиб томоша қилган актёрларимдан. «Дилдаги доғ»да она ролини шунчалик таъсирли ижро этганки, унга қўшилиб тўлғонмаслик, сотқин фарзанд доғида қуймаслик, жигар тилка-пора бўлмаслик мумкин эмас.

Одатда фарзандлар эгри йўлга кирса ота-онани айблашми, эътиборсизлик қилган деб гуноҳкор этамиз. Лекин ҳамиша ҳам шундай дейиш ўринли эмас. Буни спектакль давомида англаш мумкин.

Фарзандининг сафардан асл мақсади ҳақидаги хабардан сўнг аввалига ишонмай, сўнг телба бўлиб қолган аёл сахнаси мени кучли зилзиладан ҳам ортиқ кўрқувга солди. Ўйнаётган ролини бунчалик ишонarli ижро этиш пайтида актёрнинг ўзи ҳам телба бўлиб қолиши, юраги ёрилиб кетиши ҳеч гап эмас, деган хавотир она сифатида мени қийнади. Волидининг орзулари, ўглининг суратларини бағрига босиб нолаю фарёд этаётганида қалбимда вулкан портлади, томоша залидан сахнага отилишимга бир баҳя қолди.

Оҳ, онаизор! Умидлари сароб бўлган умидвор, унинг ширин хаёлу орзулари ўз фарзандининг камолидан эди, у ҳақли эди дилбандининг роҳатини кўришга! Шу ҳаёлда тўкилиб-тўкилиб йиғладим, бошқа чорам йўқ эди, чунки у дамда мен аллақачон томошабинлигимни унутган, ўша муқаддас ва бағрикон она бўлиб сахнада эдим гўё. Ролини унутиб, ўзи ўша онага айланган Маъсуда Отажоновна эдим! Мен-ку томоша таъсирида шунча азобландим, бағрим қуйиб кетди, актриса ўзини унутиб, онаизорга айланганида юрак призмаларидан дардни ўтказганида не ҳолни бошдан кечирди экан?!.

Атамирзаев (Суръат — жиноий гуруҳ етакчиси) маҳорат билан ижро этган.

Мазкур спектакль нафақат юртдошларимиз меҳрини қозонди, ҳатто 2017 йилда Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида ўтказилган «VI - АРТ ОРДО» халқаро театр фестивалида «Энг яхши спектакль» номинацияси билан мукофотланди. Шунингдек, ушбу фестивалнинг «Энг яхши эркак роли учун» номинацияси ҳам ота ролидаги ижроси учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Турғун Бекназаровга насиб этди.

БИР МАРТА КЎРГАН АФЗАЛ

Дарҳақиқат, келиб кўринг ва ўзингиз баҳо беринг. Кетган вақтингизга сираям ачинмайсиз. Қайтанга, бисотингиздаги дуру жавоҳирларингизнинг энг нодири — зурриёдингиз билан кўпроқ ҳамсухбат бўла бошлайсиз, ўзингизга янаям яқин оласиз. У ҳам сизни кўпроқ ўйлай бошлайди. Хатолари аввало ота-онасига ташвиш келтириши мумкинлиги ва оқибатларини қалбдан ҳис қилади ва эгриликдан тийилади, ҳушёрлиги ортади. Фақатгина ота-она эмас, фарзандлар ҳам елкасидаги юкнинг залворини англайди. Оилалар мустаҳкамланади.

Шу эмасми театрнинг асл мақсади! Мақола сўнггида спектаклда маҳалла раиси Ғани тилидан айтилган ва хотирамда ёд бўлиб қолган мана бу илтижони яна такрорлагим келди:

Кимнидир бошини тоғ қилар фарзанд,
Кимнидир кўксини доғ қилар фарзанд.
Кимнидир жонини жон қилар фарзанд,
Кимнинг ич-этини қон қилар фарзанд.

Танамда жон борми?
Танимда жон борми?
Бу кунни душманга кўрмайман раво.
Бундай кўргуликни, бундайин ҳолни,
Ҳеч кимнинг бошига солмасин Худо!
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА



«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси Тошкент филиали жамоаси



UZTELECOM



Барча юрtdoшларимизни диёримизда ажиб нафаси ила кезиб юрган, янгилашни ва яшариш байрами – Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади! Янги кун, янги йилбоши барча хонадонга олам-олам қувонч, қут-барака, тўкинлик олиб келсин. Осмонимиз мусаффо бўлсин!



Миллий қадриятларимизнинг ёрқин ифодаси бўлган Наврўз шарофати барчани эзгу ниятларига етказсин! Саодатли кунлар элимизни сира-сира тарк этмасин!



*Қошлари ўсмалим, кўзи сурмалим,
Этак-этак гулли, бари бурмалим,
Сени дунёда ҳеч кима бермалим!
Қайта кетмас бўлиб келдингми, баҳор!..*

Байрам қутлуғ бўлсин!

«Наманган сув таъминоти» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

**Юртимиз аҳлини яшариш ва янгилашни
айёми – Наврўзи олам билан муборакбод этади!
Барчага мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат,
Ўзбекистон тараққиёти, ривожини йўлидаги
яратувчилик ва бунёдкорлик ишларида
улкан зафарлар тилайди!**

**Диёримиз осмони мусаффо,
хонадонларимиз тинч ва обод бўлсин!**

**Ярқирайди саҳар Чўлпон юлдузи,
Ерга зарҳал ҳар гиёҳнинг илдизи.
Дардга шифо чавқар бия қимизи,
Яйловларда майса қимтир кўй-кўзи,
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор...**

Байрам муборак бўлсин, азизлар!

ЮЗ ФОИЗЛИ МУҲАББАТ...

Муҳаббатнинг ҳам фоизи бўладими, дерсиз. Бўлар экан. Лекин бу ҳақида сал кейинроқ. Мана, бир йилдирки дунёни эгаллаб олган коронавируснинг дастидан «дод» деяпмиз. Ростда, ҳаммамизни уйга қамагани етмагандай – қанчадан-қанча юртдошларимизни зарарламади дейсиз. Бу балои офатнинг кучини ўз бошидан ўтказиб, дард чекканлар яхши билишади. Албатта, кимлардир белгиланган шифохоналарда, пулдорлар эса кунига беш миллион сўмдан тўлаб, хусусий клиникаларда даволанишди ва катта харажат қилиб ҳаётида ўзгариш сезмаганлар ҳам бўлди. Қайсидир юртдошимиз қопда пул олиб келиб ҳам тузала олмади, ёндош касаллиги борлар ўша ерда дорилбақога юз тутдилар. Ўтганларни Яратган раҳматига олсин...

Лекин шундай кишилар ҳам бўлдики, кўнглида Яратганга ихлос, атрофдагиларга муҳаббат ва ўз олдига қўйган қатъий мақсади сабаб, ҳатто ўпкасининг катта фоизини коронавирус зарарлаган ҳолатларда ҳам ўз уйда даволаниб, тўғри дори-дармон ва овқатланишга қилган эътибори билан тузалиб кетди. Бу нарсани эслаётганимнинг боиси, ўшандай қатъиятли юртдошларимиздан бири – Моҳира Халилова ҳақида ҳикоя қилмоқчиман.



нинг фикрича, улар билан иш берувчининг муносабати ўта самимий. Бошлик улар билан юксак даражада маданиятли муомала қилади. Ўз яқини шу каби фирмаларда ишлаб кўрган киши сифатида айта оламанки, бу – ҳавас қилгулик, салга ховликиб кетадиган «янги бойлар»га ибрат бўлгулик ўзига хос жиҳат!

Бу фикрларни ёзиш унча кўп вақт олган бўлмаса-да, ҳикоя қилинган жараён учун қарийб йигирма йил вақт ўтди. Бир оиланинг 20 йиллик умри яхши тадбиркор сифатида шаклланиш учун сарфланди. Бугун Моҳира ҳаётидан, эришган натижаларидан, кимларгадир нафи тегаётганидан, нафи тегиши учун имконияти етаётганидан мамнун. Бу эса фақат ва фақат ҳалол меҳнат, ўз олдига қўйган мақсади сари тоза юрак ва кўнгилда ишонч билан астойдил интилишлар самарасидир.

Ўтган йил кийин келди. Одамлар уйда қамалиб қолди. Уларнинг харид қобилияти пасайиб кетди. Моҳира каби тадбиркорларнинг дўконларида савдо пасайиб, маҳсулот йиғилиб қолди. Лекин, тадбиркорларни бир нарса, «ҳар нарса ўткинчи», деган фикр олдинга интилишга ундайди. Олдинга умид билан қадам ташлайди. Қалбида муҳаббат билан меҳр улашади. «Атрофга меҳр билан қараш керак, яқинларни юз фоиз муҳаббат билан севиш керак, бир фоиз кам бўлса ҳам етмайди, фақат юз фоизли меҳр зарур», – дейди у.

Ҳар йили баҳорий байрамларни Моҳирахон қўшалок нишонлайди, таваллуд кунини ҳам байрамга улашиб кетади. Унинг атрофида юз фоизли муҳаббат билан севадиган яқинлари доим кўп. Моҳирахондек хотин-қизларимиз сафи кенгайиши учун биз ҳикоя қилган йўл кичик бир мактаб аслида. Мана шу йўлда оддий бир ўзбек аёли эришган натижалар чин маънодаги «замонамиз қаҳрамони»га хос, десак муболаға эмас бизнингча.

Фарида ТОЖИБОЕВА

Курашдан иборат ҳаёт

Эътибор берганмисиз, чакалоқ она-сидан туғилган захоти нафас олиш учун курашади, тўйдиришларини истаб, ўраб қўйилган мато ёки кийимчалар тоза ва қуруқ бўлишини сўраб йиғлайди, йиғламаса унинг талабларини вақтида илғамасликлари табиий. Мана шундан бошланади ҳаёт учун кураш дегани.

Яшовчанлик қобилиятини ҳозир ўрта ёшдагиларга яхши сингдиришган. Тадбиркор Моҳирахон ана шу ўрта ёшдаги замондошларимиздан бири. Бугун унга ҳавас қиладиганлар кўп. Фарзандлари олий маълумотли. Ажойиб турмуш тарзи, барча қулайликларга эга замонавий уй-жой, машина... Бунақа моддият кўпчиликда бор, дегувчилар учун айтиш керакки, гап фақат шунинг ўзи ҳақида эмас. Гап шундаки, бугун унинг шарофати билан нафақат оила аъзолари, балки сингил, келинони, жиян дегандек барча кўнгли яқин қариндошлари ва яна атрофдан 5-6 киши ишли бўлган. Моҳирахон ташкил этган масъулияти чекланган жамиятда тикув цеҳи, савдо дўконлари ишлаб турибди. Тадбиркор аёл атрофида меҳнат қилиб, рўзғор

тебратаётганлар ўн нафардан ортади. Масаланинг муҳим жиҳати мана шунда!

Айтмоқчи, мамлакатимиз раҳбари икки кишини ишли қилганни бошимда кўтараман деганларини сиз ҳам эшитган бўлсангиз керак, албатта...

Олдинда турган қайси йўл энг кийин туюлса, ўша энг тўғри йўлдир, деган гап ҳам айни ҳақиқат. Моҳира худди шундай мураккаб йўлни танлади. Кўнгли меҳнатда, дили Аллоҳда бўлди. У мунтазам ва ҳалол меҳнати натижасида катта натижаларга эришяпти. Бир қарашда хокисор, лекин ўта қатъиятли бу инсоннинг улғи қилиб кўрсатадиган жиҳатлари кўп.

Сирдарёда сув тошқини юз берганида биринчи бўлиб хайрия қилганлардан бири, атрофидаги дўстлари билан суҳбатларда ҳам қаерда кўнгли ярим ва эътиборга муҳтож кишилар бўлса суриштириб, улар орқали совға-саломлар бериб юбориш каби савобли ишлар унинг биргина жиҳати. На амалдор ва на катта мерос эгаси, орамизда яшаётган оддий юртдошимиз, биласизми ишни нимадан бошлади? Келинг, сал аввалроқдан бошлаймиз...

Аввалига мактабда ўқитувчи бўлиб болаларга муҳаббат билан ишлаётган даврида Моҳира, кўнглининг бир четиде «битта дўкон очиб ишлатсам», деган фикрни пишитиб юрди. Турмуш ўртоғи унинг бу фикрини қўллаб-қувватлайди ва Туябўғиз кўрғониде (*Тошкент денгизи*) кичкинагина озик-овқат дўконини очади. Совет тузуми тарқанидан кейинги йиллар, шаҳару кишлоқда кундалик эҳтиёж моллари танқис, дўконлар деярли бўш бир пайтда аҳоли учун янги савдо нуқталари жуда зарур эди.

Ёш оила вақти-соати билан пойтахтдаги гавжум савдо нуқталаридан бирига келишади. Аввалига ижарага дўкон олиб аёллар учун кийим-бош савдоси билан шуғулланади. Ёнида турмуш ўртоғи, атрофида мактабда дарсдан кейин келиб ёрдамлашаётган фарзандлари... Уларга меҳр кўрсатиш ҳам эсдан чиқмади. Шу тахлит қаҳрамонимиз ўз ишини ривожлантириб борди.

Бугун эса юқорида айтилганидек, кўплар ишли бўлиб, Моҳира Халилова бошчилигидаги фирмада меҳнат қилиб рўзғор тебратишмоқда. Таъкидлашни истаган яна бир жиҳат бор, ишчилар-

Кунлардан бир кун...

КЕРАКЛИ «ТОЧКА»

Газетада жиддий хато кетди. Бош муҳаррир вазифасидан олиниб, ўрнига бошқа одам тайинланган бўлди. Аввалги раҳбарнинг «ўнг қўли» бўлиб юрган, янғисини орқаваротдан ўта қаттиққўл ва талабчан деб эшитган хўппа семиз, тепакал мухбирнинг пайтавасига қурт тушди.

– Энди мен нима қиламан? – деди у уч-тўрт ҳамкасбига қарата ошқора хавотир билан. – Ишдан ҳайдаламанми?..

Ходимлар бир-бирига маъноли қараб, жим қолишди. Фақат озгин-қотмадан келган фельетонлар бўлими муҳаррири жаҳлини босолмади.

– Йўқ, тақсир, сиз ишдан ҳайдалмайсиз, – деди кесатиқ аралаш истеҳзоли кулиб. – Хушомад ҳаммага ям ёқади. Эски хунарингизни қўлласангиз, янги бошлик учун ҳам «любимчикка» айланасиз-қоласиз.

– Қандай қилиб? – Мухбирга жон кирди. – Айтинг, ака, хўжайинди кўнглига йўл топишди керакли точкаларини айтинг, жон ака!..

– Сизга ўргатишнинг ҳожати йўқ, шусиз ҳам ўзингизга керакли ҳар

қандай одамнинг пинжиги кириб кета олмасиз. – Бўлим муҳаррири шундай дея, жиддий қиёфага кирди. – Маслаҳатим, одатдагидек, мақтовга зўр беринг. Мана, масалан, янги бошлиғимизнинг акаси адабиётшунос, катта олим экан. Мавридини топиб, ана ўша кишини бир-икки давраларда раҳбаримизнинг қулоғига етадиган қилиб мақтанг. Иложи бўлса, ёзган асарларини номма-ном эслаб қолиб, парчалар ёдланг. Қарабсизки, ҳар доимгидек ошиғингиз олчи бўлади-кўяди.

– Э, минг раҳмат сизга! – Мухбир хонадан чиқиб кетаркан, кўшимча қилди. – Бу яхшилингизни унутмайман. Худо хоҳласа, ўн карра ортиги билан қайтараман.

Бўлим муҳаррири тўғри айтган экан. Кўп ўтмай мухбир ростданам Бош муҳаррирнинг энг ишончли, энг содиқ кишига айланди. Ҳатто жамоада ўтказилган «тозалаш» жараёнида ҳам фаол қатнашиб, кимни олиб қолиш кераклигини, кимнинг жавобини бериш лозимлигини аниқлашда қимматли «маслаҳат»ини аямади.

Тунов кунини бўлган навбатдаги йиғилишда у сўзга чиқиб, шундай деди:

– Ўртоқлар, мана, ҳаммангиз гувоҳ бўлиб турибсиз, сўнги тўрт-беш ой ичида газетамиз аввалгига нисбатан тубдан ўзгариб, мутлақо янғича қиёфа касб этди. Берилаётган мақолалар

ҳар жиҳатдан пишиқ-пухта, савияси баланд. Мавзулари ҳам ранг-баранг. Бунда шахсан Бош муҳарриримизнинг хизматлари катта. Биз у кишидан қандай ишлаш кераклигини ўргандик. Энг муҳими, шунча йиллар ўтиб, ҳақиқий раҳбарга энди ёлчидик.

Бу гап Бош муҳаррирга мойдек ёқди шекилли, у мийиғида кулиб, маънодор томоқ кириб қўйди. Бироқ бошқаларнинг ҳафсаласи пир бўлди.

– Менга қаранг, сизда озгина виждон борми ўзи? – деди фельетонлар бўлими муҳаррири ўтирган жойида чидолмай. – Яқингинада айнан шу гапларни эски бошлиғимизга қарата айтардингиз, энди бунисидами?..

– Тавба, мен нима дедим? – Мухбир заррача хижолат чекмай елка қисди. – Бор ҳақиқатни айтдим, холос. Ахир, янги Бош муҳарриримиз келиши биланоқ жамоамизга тоза ҳаво кириб, газетамиз ростданам ўзгарди-да...

Бўлим муҳаррири шахд билан бошини кўтарди. «Санга ўхшаган лаганбардорларга журналистика ҳайф!» дегандай, жаҳл билан қўл силтади. Буни кўриб, бошлиқнинг қовоғи осилди. Ҳамон ўртада тик қотиб турган мухбир эса икки қўлини кўксига қўйиб, у томонга жилмайиб боқди:

– Мен сизга бу акамизнинг ўзи чўрткесар, тили захар, кези келганда, отасини ҳам аямайди, десам, ишонмовдингиз. Тили қанақалигидан қатъи назар, қалами ўткир бўлса бўлди, газетамиз обрўси учун унинг ўзи эмас, мақоласи керак девдингиз, мана, аҳвол...

...Бир ҳафтадан сўнг таҳририятда яна жузвий ўзгаришлар бўлди. Ушбу газетанинг таъмал тошини қўйганлардан бири ҳисобланмиш фельетонлар бўлими муҳаррири ўз аризасига кўра ишдан бўшаб, бошқа газетага ўтиб кетди. Уч йилгина бурун иш бошлаган мухбир эса унинг ўрнига бўлим муҳаррири этиб тайинланди.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ



КҮНИДА ЭМАС, КҮНИДА

Одамларнинг кўп иши тушадиган бир ташкилотда ёнғин рўй берди. У ердаги энг масъул ходим Ўт ўчириш хизматига телефон қилди.

— Тез етиб келинглр, казо-казо идора ёняпти!

— Бир дақиқа шошманг, сизни мутахассис билан улайман...

Энг масъулнинг қулоғига аввал шўх янгроқи мусиқа, кейин мамнуният ва назокат билан йўғрилган иборалар эшитилади:

— Хурматли абонент, Ўт ўчириш хизматига хуш келибсиз! Бизнинг янги хизматларимиз ҳақида маълумот олмоқчи бўлсангиз, «бир»ни босинг!

Кейин:

— Борди-ю ёнғинга қарши ускуна жиҳозлатмоқчи бўлсангиз, унда «икки»ни босинг!

Кейин:

— Дикқат-дикқат: Ўт ўчириш хизмати сизга ўт ўчиришнинг мутлақо янги усулларини тақдим этади! Яна ҳам кўпроқ билишни хоҳлайсизми? Унда «уч»ни босинг!

Кейин:

— Булар орасида ўзингиз кутган вариант чиқмадими? Илтимос, алоқада қолинг...

Салдан кейин:

— Алло, алло тез етиб келинглр, казо-казо идора ёняпти!
— Бир дақиқа шошманг, сизни мутахассис билан улайман...



— Объектингизнинг кадастр рақамини, мулк эгасининг паспорт маълумотларини тайёрланг... Илтимос, алоқада қолинг...

Салдан кейин:

— Сизнинг кўнғироғингиз биз учун жуда муҳим, илтимос, алоқада қолинг...

Икир-чикир техник овозлардан кейин:

— Ёнғинни ўзингиз мустақил равишда ўчиришмоқчимисиз? Унда «Малакали ўт ўчирувчи» хизматидан фойдаланинг. Хизматни фаоллаштириш учун «беш»ни босинг!

...

— Ассалому алайкум! Ўт ўчириш хизмати оператори Фалончиев эштади!

— Бизда ёнғин чиқди! Биномиз ёняпти!

— Айтинг-чи, сизга ким деб мурожаат қилишим мумкин?

— Эсингизни еганмисиз, нима бало?! Бу ерда бино ёняпти, ким деб мурожаат қилишингизнинг нима аҳамияти бор? Тезда ўт ўчириш гуруҳини юборинг!

— Бинонинг кадастр рақами ва мулкдорнинг исми, фамилияси, отасининг исмини айтиб юборсангиз.

— Қанақасиз ўзи?! Мен ҳеч қанақа кадастр-падастри билмайман, бизнинг идорани биласиз-ку, ўт ўчириш гуруҳи юбориш учун шунинг ўзи етарли эмасми?!

— Илтимос, алоқада қолинг. Сизни мурожаатчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича мутахассисга улайман...

Шўх-шодон мусиқа янгради.

Бироздан сўнг:

— Ёнғин сигнализациясини ўрнатишга буюртма бермоқчи бўлсангиз, «Сигнализация монтажи» деб айтинг!

Бироздан сўнг:

— «Кеча-кундузлик ўт ўчириш хизмати»дан фойданмоқчи бўлсангиз, «Фаоллаштириш» деб айтинг!

Яна бироздан сўнг:

— Сиз ўзингизга тўғри келган вариантни танламадингиз. Кўнғироғингиз операторга уланади...

Яна бироздан сўнг:

— Ассалому алайкум! Ўт ўчириш хизмати навбатчиси Писмадончиев эштади!

— Биномиз ёниб кетяпти! Бирон нарса қилсангиз-чи!

— Айтинг-чи, сизга ким деб мурожаат қилишим мумкин?

— Падарингга лаънат! Ит эмгурлар! Бино ёняпти, деяпман, гапга тушунасанларми ўзи?!

— Бизнинг мутахассисларимиз сизнинг муаммоингизни кўриб чиқади. Айтинг-чи, сиз билан қайси рақам орқали боғланса бўлади?

— Минг лаънат ҳаммангга!..

Ана шундай! Кўзамиз кунда эмас, кунда си-нади. Баъзан эса кўзамизни ўзимиз синдирган кўзамизнинг синиги синдиради.

ЖУЛҚУНБОЙНИНГ ЖИАНИ

Ғафур Ғулом бир кун...

Ҳатто, санай олмасди ўн бармоқни мукаммал...

Лабидан кулгу-табассум аримайдиған Ғафур Ғуломнинг бу сафар неғадир шашти пастроқ эди. Аёли бунинг сабабини замоннинг нотинчлигига йўйди. Охири сабри чидамади.

— Тобингиз йўқми, дадаси. Аччиқ мастава қилиб берайинми? — деди.

— Йўқ, овора бўлма. Ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Неғадир юрагим ёниб бораяпти.

— Бундоқ тушунтириброқ айтсангиз-чи, нима бўлганини?

— Машойихлар бежиз «ёмон тилнинг захри, илон захридан ёмон», дея айтмаган экан. Буни қара, уч-тўрт танга топиб, босар-тусарини билмай қолган инглиз лордларидан бири ўзбекдек қадимий халқни қабила деб ҳақорат қилибди. Ўзинг ўйла, бундай ҳақоратга ор-номуси, виждони бор одам қандай чидаши мумкин? Мен ўша олифтага ўзбек халқи кимлигини, у нималарга қодир эканини кўрсатиб қўяман!

У шундай деди-да, ҳовлининг у ёғидан-бу ёғига бориб кела бошлади.

Муҳаррам ая тушундики, хўжайини шеър тўқияпти. Унинг одати ўзи шунақа. Кимдандир ёки нимадандир ранжигудек бўлса, дарҳол унга муносиб жавоб ҳозирламагунча тинчмайди. Бу орада бир чой қайнагулик вақт ўтди. Ниҳоят, шеър тайёр бўлди. Шоир шеърни жангда ёлиб чиққан аскар мисоли баланд ва жарангдор овозда ўқий бошлади:

Қадим ўзбек халқисан, асл одам авлоди,
Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир.
Хоразмнинг ҳар ғиштида боболарнинг ижоди,
Англо-саксонлардан анча юқориқдир.
Бизда логарифмнинг мушкул муаммолари,
Қўлдаги бармоқлардай оддий қилинганда ҳал,
«Олий ирқ» даъвогарлари, Черчелнинг боболари
Ҳатто, санай олмасди ўн бармоқни мукаммал...
Биз эккан пахталардан ер юзида бор киши
Уятини ёпганда устма-уст, қават-қават,
Ҳозирги жанобларнинг маърифат ва дониши:
«Пахта дарахт кўзисин жуни» деб билгай фақат.

Халқимизнинг сеvimли шоири Ғафур Ғуломнинг бир минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йилда «ўзбек халқини қабила деб атаган» инглиз лордига жавоб тариқасида ёзган ўша шеър эртасига марказий газеталардан бирида босилиб чиқди. Шеър тез орада одамлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди. Халқнинг ўзига хос урф-одатларини, аънана ва тутумларини англамасдан, билмасдан, сўрамасдан ҳақорат қилган ўша олифта, инглиз лорди эса шоирнинг ҳанжардек ўткир шеърига муносиб жавоб қайтаролмай тилини тишлаб қолди. Менимча, ўша кезлари шоир халқимизнинг «урма, сўкма эгнини йирт», деган асрлар синовидан ўтиб келаётган нақлига амал қилиб, ўша жанобни бошлаб таъзирини берганди.

Ғафур Ғуломнинг гулларга бурканган Намангандан қадами узилмас экан. Уни халқ яхши, илиқ кутиб олар, жонига жойлар экан.

Шу маҳал ўша ажойиб боғнинг боғбони Кўчқорвой «шоирнинг ҳам оғзи тексин», деб ҳар бири Қуванинг сувли ва сертаъм аноридек келадиган шафтоли келтиради. Меваларнинг ҳиди оламни тутди. Шафтоли дегани обдан ширага эниб, роса етилиб пишган экан. Шоир палахмон тош-

Палахмонтош – шафтоли

ўшдек келадиган мевалардан бирини танлади, сочиққа яхшилаб артди-да зўр иштаҳа билан ея бошлади. Бу орада етилиб пишган тарвуз суйилиб, коса қилинди. Буларнинг бари шоирнинг иштаҳасини қитиқлади, илҳомини жўштирди. Сўнгра ҳеч кутилмаганда

Лўдка дедим тарвузингни бир палласин,
Эру хотун дарёларда сузса бўлур.
Палахмонтош шафтолингни ҳар донаси,
Отса агар кўргонларни бузса бўлур.
деган шеърни варанглатиб ўқиб юборса бўладими? Ушанда, она заминимизда етилган ноз-неъматлар шаънига берилган бундай чиройли таърифдан боғга йиғилганлар донг қотиб қолишган экан.

Улуғбек ЖУМАЕВ

ЎТКИР НИГОҲ



Махмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.

«Ҳазораспмахсуссувпуграт»


масъулияти чекланган жамияти жамоаси



*Азму шижоатли ва фидойи
халқимизни қадимий ва улуғ
байрамимиз, янгилашиш айёми –
Наврўзи олам билан «замин
шифокорлари» номидан
чин кўнгилдан муборакбод этамиз!*

*Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини
муштаҳкамлаш йилида юртимиз ободлигини, дастурхонимиз
тўкинлигини, ҳар бир хонадонда бахт-саодат овози янграб
туришини тилаймиз!*

*Минг ноз билан қиш кўрпасин кўтарди,
Қир қўйнида қўзиқорин кўкарди.
Ғоз, турналар шимол томон ўтарди,
Воҳаларда гул товланиб ётарди,
Лоладан сеп ёзиб келди гулбаҳор...*



*Наврўз айёми қутлуғ бўлсин,
азиз ватандошлар!*

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ АНДИЖОН ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ ЖАМОАСИ

*Халқимизни табиат уйғониши рамзи, асл миллий
байрам – Наврўзи олам билан чин дилдан
муборакбод этади!*

*Офтоб ерни қиздириб, куртаклар очилиб, бутун борлиқ уйғониш
палласида барчанинг кучига куч, гайратига гайрат кўшилади.
Наврўз баҳиш этадиган шундай эзгу ҳис-туйғулар ҳар бир юртдо-
шимиз кўнглига, ҳар бир хонадонга кириб борсин!*

*Андижон туманининг кўли қадоқ, оқкўнгил аҳли қадимий ва
ҳамиша навқирон айём — Наврўзи оламни улкан бунёдкорлик
режалари билан кутиб олмоқда. Зотан, шу заминда яшаёт-
ган элнинг мақсади ўз туғилган маконларини обод, ораси ва
саришта гўшага айлантиришдир.*

*Сумалак бошида келинлар чечан
Лутфида дунё ишқ, сирга айланар.
Ёмғир кўбизини чалади шўхчан,
Сомонлар тиллога, дурга айланар...*

*Байрам муборак,
азиз Ватандошлар!*

Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

Диёримизга ўзининг фусункор таровати, кут-баракаси
билан кириб келган Наврўзи олам
билан барча юртдошларимизни,
ирригатор ва сувчилар, соҳа мутахассисларини
самимий муборакбод этади!

Баҳорий хуш кайфият элимизни асло тарк этмасин!
Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

Гўзал ва фусункор Наманганда бу йил Наврўз байрами ҳар сафаргидан-да кўтаринки
руҳда бошланди. Баҳорнинг илиқ нафаси барчани бунёдкорлик сари ундамоқда.

Наврўз арафасида «Норин-Сирдарё» ирригация тизимлари ҳавза
бошқармасининг аҳил жамоаси саъй-ҳаракати билан
Янгиқўргон туманидаги Узак қишлоғида икки юз гектарда янги бог
ташкил этилмоқда. Ўн бир чақирим масофадан оби ҳаёт келтирилиб,
олма, бодом, олхўри сингари мевали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Дарахтлар остида эса «иккинчи нон» ҳисобланган картошка етиштирилади.

Кўркам – тўрт фаслнинг кўрк, маликаси
Бозу бозчаларда андалиб саси,
Зумрад далаларда қизлар нафаси,
Бағрим, бу баҳорнинг
Бошланишидир...

Наврўз айёми кутлуғ, бўлсин!

Газетанинг навбатдаги сони 1 апрель куни чиқади.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;
«Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанк».

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаханасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Бош муҳаррир

Хуснидин
БЕРДИЕВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Газета таҳририят компютерида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма: Г-327
ISSN 2181-6190
Обуна индекси — 193
Алади: 1 305 нусха.
Нархи: келишув асосида.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 6 босма табоқ.
Офсет усулида босилган.

Чоп этишга топширилди: 20:00

